O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши мини-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 25 (131)-сон, 2006 йил 22 июнь | www.21asr.com

ИҚТИСОД

2 Сурхондарёлик ғаллакорлар 11 млрд. 200 млн. сўм соф фойда олишни кўзламоқдалар

МИЛЛИЙ МАНФААТ

3 Навбатдаги саммит манфаатлар мувозанатининг асоси якдилликда эканини бутун жаҳонга намойиш этди

СПОРТ

13 Сиёсий муаммолар «Германия-2006» мусобақаларини ҳам четлаб ўтмади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида сўзлаган нутқи

Ҳурматли раис!

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни, ушбу саммитда қатнашаётган давлатлар раҳбарлари ва вакилларини қутлаш ҳамда кўрсатилган меҳмондўстлик ва дўстона қабул учун Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевга самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Кенгашда бугун муҳокама этилаётган масалалар бўйича ўзимнинг айрим фикр-мулоҳазаларимни қисқача баён этмоқчиман.

Давлатлараро муносабатлардаги можаро ва қарама-қаршиликларни бартараф этишда ҳам, миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлашда ҳам муваффақиятга эришишнинг энг муҳим шарти бўлган ишонч масалаларига барча замонларда бирдек устувор аҳамият бериб келинган ҳеч кимга сир эмас.

Лекин бизнинг асримизда — глобаллашув ва геосиёсийлашув жараёнлари ғоят чуқурлашиб бораётган ҳозирги даврда, бизни қуршаб турган дунё мисли кўрилмаган суръатлар билан ўзгариб, унда яшаётган халқлар ва давлатлар тобора бир-бирига боғлиқ бўлиб ва вазият ўта нозиклашиб бораётган бир пайтда ишонч чораларини мустаҳкамлашнинг тизим ва механизмларини ишлаб чиқиш, барқарорликни сақлаш ва можароларнинг олдини олиш борасида давлатларнинг саъй- ҳаракатларини янада фаоллаштириш, айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барчамизга яхши маълумки, бу масалалар, бу долзарб муаммолар мавзуси кўплаб минтақавий ва субрегионал халқаро тузилмаларнинг, аввало, нуфузли ташкилот бўлмиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий диққат-марказида туради.

Шулардан келиб чиққан ҳолда айтадиган бўлсак, ҳеч шубҳа йўқки, Қозоғистон давлати ва унинг Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Осиё минтақасида можароли вазиятлар ва қарама-қаршиликлар юзага келишининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида давлатлар ўртасида ишонч чоралари ва ҳамжиҳатлик масалаларини муҳокама қилиш учун белгиланган Форумни шакллантириш бўйича ташаббуси ҳар томонлама эътибор ва қўллаб-қувватлашга сазовордир.

Мен бу ерда ХХР Раиси ва Россия Президенти билдирган муҳим таклифларни қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон делегацияси номидан қуйидаги фикрларни баён этишни истардим.

Биринчидан. Осиё қитъаси ҳақида сўз юритадиган бўлсак, ушбу минтақа давлатлари ўртасидаги интеграция жараёнларининг, уларнинг иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ жабҳаларнинг изчил суръат билан ривожланишини таъминлашда АСЕАН, ШҲТ, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти, Осиёда ҳамкорлик бўйича мулоқот, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Шу боис, бугун Форумда муҳокама этилаётган масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда БМТнинг тегишли ҳужжатларида қайд этилган асосий принциплар билан бирга, мазкур ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ана шу масалаларга доир тамойил ва мулоҳазаларни ҳам инобатга олиш муҳим аҳамият касб этган бўлур эди.

Бу, ўз навбатида, мазкур нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш учун зарур асосни яратишга хизмат қилади.

Давоми 2-саҳифада.

Озод Ватан — Обод Ватан

Кичик ҳалқа йўлидаги катта кўприк

МАМЛАКАТИМИЗ ПОЙТАХТИ — ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА. МУҲТАШАМ МАДАНИЙ ВА МАИШИЙ БИНОЛАР, ШИНАМ КОЛЛЕЖ ВА ЛИЦЕЙЛАР, ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ, ТУРАР ЖОЙЛАР ҲАМДА СОЯ-САЛҚИН БОҒ ВА ХИЁБОНЛАР УНИНГ КЎРКИГА КЎРК ҚЎШМОҚДА.

Холмурод САЛИМОВ, ЎзА мухбири

Шаҳарнинг транспорт-коммуникация тизимида ўнга яқин транспорт тоннели, қарийб ўттизта йўл ўтказгич, ўттиз тўртта ер ости йўли, элликта пиёдалар ўтиш ва тўқсондан ортиқ автомобиль йўли кўприклари мавжуд. Улар аҳоли ва транспорт йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш баробарида, йўловчиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда.

Тошкент кичик ҳалқа йўли — пойтахтимизда транспорт қатновини яхшилаш, ҳайдовчи ва йўловчиларга янада кенгроқ қулайлик яратиш учун барпо этилган ана шундай замонавий иншоотлардандир. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қуриб битказилган бу йўлнинг Улуғбек ва Маннон Уйғур кўчалари туташадиган қисмида эни 40, узунлиги 75 метрлик кўприк бунёд этилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, Кичик ҳалқа йўлини қуришдан кўзланган мақсад шаҳар бўйлаб узлуксиз ҳаракатланиш имкониятини яратишдан иборат.

Чилонзор тумани ҳудудидан ўтган Кичик ҳалқа йўлининг Халқлар дўстлиги кўчаси билан кесишадиган жойида бир ой муқаддам қурилиши бошланган кўприк ана шу мақсад йўлида амалга оширилаётган навбатдаги қурилиш объектидир. Уни "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компаниясига қарашли "Автомагистрал" ихтисослашган автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш бирлашмаси ишчи-хизматчилари кўприк қурилишига ихтисослашган бошқа ташкилотлардаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда бунёд этишмоқда.

— Янги кўприк остига бетон ётқизиш ва устунлар ўрнатиш ишлари якунланди, — дейди бирлашманинг кўприк қурилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Сергей Антошенко. — Айни пайтда устунларга 18, 24 метрли бетон плиталар монтаж қилинмоқда. Кундан-кун қад ростлаётган мазкур иншоот атрофини кўкламзорлаштириш ишлари ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Кўприк қурилиш трести 13-кўприк қурилиш жамланмаси бош муҳандиси Чори Назаровнинг айтишича, бу ерда 200 нафардан ортиқ малакали кўприксоз икки сменада меҳнат қилмоқда. Уларнинг унумли ишлаши ва дам олиши учун зарур шароит яратилган. Қурилиш материаллари ўз вақтида, пешма-пеш етказиб берилаяпти. Олтмишга яқин машина ва механизм маромида ишлаб турибди.

"Йўл лойиҳа бюроси" шўъба корхонаси ва "ТошкентбошпланЛИТИ" лойиҳалаш институти томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида барпо этилаётган мазкур иншоот қурилишига Фарғона автомобиль йўлларидан мунтазам фойдаланиш бошқармаси ҳамда Қўқон махсус йўл ва кўприк қурилиши пудрат корхонасининг ҳам тажрибали қурувчилари жалб этилган.

— Йигирма йилдан бери пайвандчи бўлиб ишлайман, — дейди фарғоналик Сулаймон Жўрабоев. — Кўп қурилишларда, жумладан, Жиззахдаги Сангзор дарёси устидан ўтган ва Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Оқсоқота сойи устидан ўтган кўприк қурилишларида қатнашганман. Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, кўнглим қувонади. Ана шундай савобли ишларга ҳисса қўшиш бахти насиб этганига шукр.

Янги кўприк қурилаётган мазкур чорраҳа яқинида Чилонзор деҳқон бозори, педагогика коллежи, шифохона, кўплаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда кўп қаватли турар жой бинолари жойлашган. Бундан ташқари, метро бекати ҳамда пиёдалар ер ости ўтиш жойи мавжуд. Саккиз қатор йўналишдаги кўчалар шу ерда кесишади. Бир сўз билан айтганда, илгари аҳоли гавжум ердан ҳар куни минглаб транспорт воситалари ўтиб, транспорт тиғизлигини вужудга келтирар, ортиқча ёқилғи сарфланиши ва атроф-муҳит ифлосланишига сабаб бўларди.

Эни 30, баландлиги қарийб 7,5 метр, узунлиги эса 350 метрдан зиёд бўлган мазкур иншоотнинг фойдаланишга топширилиши билан бу муаммолар барҳам топади. Ушбу кўприк ва кўприк ости йўлидан транспорт воситалари олти қатор тез ва хавфсиз ҳаракатлана олади.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, тараққиётнинг белгиловчи омиллари кўп, лекин уларнинг энг муҳимларидан бири мукаммал коммуникация тизимини яратишдан бошланади. Бу тизимнинг ҳаётбахшлигини эса мамлакатимизда кўпайиб бораётган замон талабларига мос ана шундай муҳташам кўприклар таъминлайди.

Узоқ ва яқин хорижда

Кун тартибида — Гуантанамо масаласи



Венада Европа Иттифоқи ва АҚШ раҳбарларининг саммити бошланди. Ҳар икки томон вакиллари трансатлантик муносабатларнинг яқинлиги ва мустаҳкамлиги хусусида баёнот бераётган бўлишса-да, айрим масалалар бўйича келишмовчиликлар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. «Новости» РИАнинг хабар беришича, Австрия канцлери Вольфганг Шюссель АҚШ президенти Бушдан юзлаб маҳбуслар судсиз сақланаётган Гуантанамо қамоқхонасининг ёпилишини талаб қилмоқчи.

— Ижтимоий адолат учун курашда қатъият ва изчилликни унутмаслигимиз лозим, — дея таъкидлади Европа комиссияси раиси Жозе Мануэл Баррозо.

Хабарларга кўра, ЕИга аъзо мамлакатлар раҳбарлари Америкадан ўз фуқароларининг визасиз бориб келишларини таъминловчи қоида жорий этилишини сўраш ниятидалар. Қолаверса, Вашингтон ва Брюссель ўртасида қишлоқ хўжалигига субсидиялар ажратиш масаласида баъзи келишмовчиликлар мавжуд. Венада АҚШ ташқи сиёсатига норозилик белгиси сифатида намойишлар ўтаётганлиги ҳам бежиз эмас.

«Зарғалдоқ»чилар муросага келишди

Президентлик сайловида Виктор Юшченконинг ғалабасини таъминлашга ҳисса қўшган партиялар эндиликда парламент ва янги ҳукуматни шакллантириш борасида ўзаро келишувга эришишди, деб хабар беради Би-Би-Си.

«Зарғалдоқ» коалициясини тузиш билан боғлиқ музокаралар Украина Олий Радасига ўтказилган сайловлардан бери давом этар, бироқ «Наша Украина» партияси, Юлия Тимошенко блоки ҳамда Социалистик партия коалиция фаолиятининг асосий тамойиллари ва раҳбар лавозимларни тақсимлаш масаласи юзасидан бир қарорга келишолмаётган эди.

Музокаралар боши берк кўчага кириб қолган бир пайтда экспертлар «Наша Украина»нинг Виктор Янукович бошчилигидаги Минтақалар партияси билан коалиция тузиш ҳақидаги тахминларни ҳам илгари суришди. Бу орада Виктор Юшченко иштирокида ўтган кенгашда «зарғалдоқ»чилар коалиция тузиш ҳақида ўзаро келишиб олдилар. Украина матбуотининг ёзишича, Юлия Тимошенко бош вазир, Юрий Еханнуров парламент спикери, Иосиф Винский (социалист) бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимини эгаллашлари мумкин. Аммо ҳозирча бу маълумотлар расман тасдиқланмаган.

Номзодлар сараланмоқда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг "Ишбилармон ўқувчи" стипендияси учун ўтказилаётган кўрик-танлов ҳал қилувчи паллага қадам қўйди.

Олим ХЎЖАЕВ

Танловнинг Навоий шаҳар босқичига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида O`zLiDeP вилоят, шаҳар кенгашлари алоҳида фаоллик кўрсатдилар.

Даставвал беллашув иштирокчилари учун шаҳардаги йирик тадбиркорлик субъектлари бўлмиш "Навоий-Дон-Инвест" МЧЖ, "Шамс-Навоий" фирмаси ҳамда "Машҳура" ўқув марказининг вилоят филиалига саёҳат уюштирилди. Ушбу ташкилотларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, хусусан, O`zLiDeP Навоий вилоят кенгаши раиси Убайдулла Омонов, унинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари, халқ депутатлари вилоят ва шаҳар кенгашлари депутати Шавқиддин Жамолов ҳамда партия фаоли Майрам Аъзамова билан бўлган учрашув ёшларда катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг тадбирнинг асосий қисми бошланди. Кўрик-танловни O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Рўзиқул Жўраев очди. Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ёшлар билан ишлаш бўлими масъул ходими Мансур Ҳамидов, ахборот ва матбуот хизмати вакили Акбар Магдиев сўзга чиқиб, тадбирдан кўзланган мақсад ва унинг аҳамияти тўғрисида фикр юритдилар, иштирокчиларга омад тиладилар.

Маданият ва санъат коллежи мажлислар залида бўлган ушбу тадбир давомида ёшларнинг билим ва маҳорати, тадбиркорлик кўникмалари, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик даражаси жиддий синовдан ўтказилди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати қарорига асосан Навоий тиббиёт коллежи вакили Гавҳар Эшқобилова, техника коллежи талабалари Нигора Бекишева, Баҳром Олтинов, маданият ва санъат коллежи ўқувчиси Бобошер Сўпиев ҳамда қурилиш коллежи талабаси Дилрабо Жуманазарова ғолиб чиқиб, танловнинг вилоят босқичига йўлланма олишди. Ғолиблар фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 20 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	901,93	1 Миср фунти	212,65	1 Польша злотийси	379,61	10 Жанубий Корея вони	12,72
1 Англия фунт стерлинги	2256,04	1 Исландия кронаси	16,29	1 СДР	1809,18	10 Япония иенаси	105,78
1 Дания кронаси	206,64	1 Канада доллари	1090,23	1 Туркия лираси	773,08	1 Россия рубли	45,35
1 БАА дирҳами	333,37	1 Хитой юани	152,93	1 Швейцария франки	989,87	1 Украина гривнаси	242,33
1 АҚШ доллари	1223,78	1 Малайзия ринггити	334,18	1 ЕВРО	1539,88		

2006 йил 22 июнь
Пайшанба
25 (131) -сон
www.21asr.com
XASR

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

ЎЗАРО ишонч ҳамкорликка йўл очади

САММИТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида сўзлаган нутқи

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Иккинчидан. Кенгашнинг ишонч чоралари ва давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш бўйича тавсияларини ишлаб чиқишда халқаро амалиётда ва сиёсат майдонида учрайдиган айрим хатти-ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратиш ва уларга тўғри баҳо бериш лозим. Нега деганда, бундай ҳаракатлар халқлар орасида қўшимча кескинлик ва қарама-қаршилик туғдирмоқда, миллионлаб одамларнинг умидсизликка тушиши ва ўз ён-атрофида рўй бераётган воқеаларга ишончсизлик билан қарашига сабаб бўлмоқда.

Бундай воқеаларнинг сабаби тўғрисида, яъни муаллифларнинг маданий савиясининг пастлиги, сиёсий саводсизлиги, бошқа халқларнинг кўп асрлик анъаналари, турмуш тарзи ва менталитетига беписанд муносабатда бўлиши оқибатида вужудга келадиган нохуш фактлар ва турли ксенофобия ҳамда миллатчилик кўринишлари ҳақида кўп гапириш мумкин.

Аммо айрим сиёсатчилар, давлат арбоблари ва коллектив нашрларнинг яққол иғвогарлик руҳидаги сурбетларча, мутлақо асоссиз даъво ва чиқишлари, айниқса, жиддий ташвиш уйғотади.

Бу борада гап кетганида, мисол тариқасида қуйидаги фактларни келтириш мумкин: мусулмонларнинг муқаддас дини бўлмиш ислом динини халқаро терроризм билан боғлашга уринишлар, ғарб матбуотида турли ҳажвий расмлар чоп этиш орқали пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг шаънини таҳқирлашга қаратилган хатти-ҳаракатлар содир этилмоқда, миллионлаб одамларнинг миллий ғурури ва нафсониятига тегадиган бирёқлама, асоссиз баҳо ва хулосалар калтабинларча баён қилинмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, айрим ҳолларда бундай кирдикор ва чиқишлар халқаро жамоатчиликнинг миллатлар ва элатлар, турли диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги мураккаб, узоқ ва изчил давом этадиган фаолиятини йўққа чиқармоқда.

Таъбир жоиз бўлса, халқаро майдондаги субъектлар ўртасидаги ишончни одамлар ўртасидаги ишонч сингари янги ўтқазилган ниҳолга қиёслаш мумкин. Бу ниҳол вояга етиши, ҳосилга кириши учун уни доимо, ҳар томонлама меҳр билан озиқлантириш ва парвариш қилиш зарур. Афсуски, баъзан бунинг ўрнига ана шу кўчат униб-ўсадиган муҳитнинг ўзини заҳарлаш ҳолатлари юз бераётганини кузатиш қийин эмас.

Дунёда содир бўлаётган у ёки бу воқеани баҳолашда «икки ёқлама стандарт»ларни қўллаш ҳоллари кўзга ташланаётгани ҳам, табиийки, ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилмайди. Пировард натижада шундай хулоса келиб чиқади: айрим давлат ва мамлакатларга мумкин бўлган барча нарсалар бошқаларга мумкин эмас экан.

Яна бир мулоҳаза. Ушбу Кенгашда қабул қилинадиган ҳужжатларда ғоят муҳим бир ҳолат ҳисобга олинган тақдирда, унинг фаолият самарадорлиги янада ошади. Яъни, ишонч чораларини татбиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар умумий гаплар билан чегараланмасдан, аниқ йўналишга эга бўлса, бошқача айтганда, бугун халқаро жамоатчиликни ташвишга солаётган муайян можароли вазиятларга, бу можаролар аланга олиб, урушга айланиб кетмасидан олдин уларни бартараф этишга қаратилса, ҳар тарафлама мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Албатта, бу осон ҳал этиладиган вазифа эмас. Лекин айнан мана шу амалий мақсад — давлатлараро муносабатларни яхшилаш соҳасидаги, кескинлик ва можаролар келтириб чиқарадиган омилларни аниқлаб, уларни бартараф этишга йўналтирилган барча саъй-ҳаракатларимизни оқлаши мумкин.

Сўзимнинг якунида ушбу анжуманда ҳозир бўлганларнинг барчасига яна бир бор самимий ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга, саммит ишига муваффақият тилашга ижозат бергайсиз.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ТАДБИР

Маънавият — соғлом келажак кафолати

Мамлакатимиз Президентининг "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори юзасидан O`zLiDeP Тошкент шаҳар ва Миробод туман кенгашлари ҳамда Миробод туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида "Аёл ва маънавият" мавзуида адабий-бадиий кеча ўтказилди.

Феруза ЭГАМОВА, Солиҳ ЗОИР (суратлар), "XXI asr" мухбирлари

Тадбирдан мақсад, O`zLiDeP инсон маънавий салоҳиятини ошириш ҳамда жамиятнинг зиёлилашуви тарафдори эканлигини аёллар онгига сингдириш, уларни жамиятда ўз ўрни ва мавқеини эгаллашга даъват этишдан иборат эди.

O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши бўлим раҳбари Гулчеҳра Хабибулина жумладан шундай деди:

— Маънавият жамият ва миллат равнақининг бош омили, инсоний маданиятнинг негизидир. Миллат давомчиларини камолга етказаётган оналар буни теран англашлари лозим. Ана шундагина соғлом жамият ва буюк давлат қуриш борасидаги эзгу мақсадларимизга эришамиз.

Анжуманда хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, диний, ижтимоий-иқтисодий, маданият ва спорт соҳаларидаги эҳтиёжларини ўрганиш, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича амалий фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ўзбек Миллий академик драма театрининг истеъдодли актрисалари Раъно Ярашева ва Маҳфуза Боботиллаеванинг чиқишлари учрашувга ўзгача файз киритди.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қарши туман кенгаши, туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида Бешкент шаҳрида "Келажагингни ўзинг танла!" шиори остида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Меҳнат ярмаркаси

Ўз мухбиримиз

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг касб-ҳунар ўрганишлари ва фойдали меҳнат билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида ташкил этилган мазкур ярмаркада 20 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар ўзларида мавжуд бўлган иш ўринлари билан иштирок этдилар. Тошкент ахборот ва алоқа технологиялари университети Қарши филиали, Бешкент, Қовчин касб-ҳунар коллежлари, "Ёшларнинг ижтимоий хизмат марказлари" ва ўқув тўгараклари ҳақида кенг маълумот берилиб, талабалар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси ва савдоси ташкил этилди.

— Меҳнат ярмаркасида иш билан банд бўлмаган 500 дан ортиқ фуқаролар ҳамда мактабларнинг битирувчилари иштирок этдилар, — дейди туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғи Холмирза Болтаев. — Улардан 196 нафари иш билан таъминланди. 57 нафар ёшларга касб-ҳунар ўрганиш учун коллежларга йўлланмалар берилди. Партия туман кенгаши билан ҳамкорликда бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туришга келишиб олдик. Зеро, битирувчи ёшларга касб-ҳунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлашга яқиндан ёрдам кўрсатиш асосий мақсадларимиздан биридир.

Истеъдодлар кўриги

Китоб туманида Ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳамда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб, мақом ва катта ашула ижрочиларининг кўрик-фестивали бўлиб ўтди.

Ўзбек мумтоз мусиқа санъатини ривожлантириш, ёшлар ўртасида мақом ва катта ашула ижрочилигига қизиқишни кучайтириш, янги иқтидорларни кашф этиш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда туман босқичларида ғолиб бўлган жамоалар иштирок этдилар.

Биринчи ўрин Китоб тумани мақом жамоасига насиб этди. Шаҳрисабзлик Наврўз Зикриллаев ва Нурбек Намозов "Энг ёш ижрочи", косонлик Кўшмурод Отамуродов "Энг кекса ижрочи", қамашилик Мустафо Турниёзов "Энг жозибали овоз соҳиби", яккабоғлик Сумбула Алимова "Энг нафис овоз соҳиби" номинациялари бўйича юқори натижаларга эришишди.

Ғолиблар мақом жамоалари ва катта ашула ижрочилари ўртасида ўтказиладиган кўрик-фестивалнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Ташаббус

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Мана, бир мисол. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ташаббуси билан Поп туманининг "Маданият" қишлоғида "Ишончли ниҳол" ижтимоий хизмат маркази очилди. Бу эса яқин атрофда яшовчи ўғил-қизларни мамнун этмоқда.

Попда ёшлар маркази

Одилжон ИНОМОВ

— Туман марказидан ўттиз чақирим узоқда жойлашган "Маданият" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида бирор-бир корхона, ташкилот ёки коллеж мавжуд эмас, — дейди ҳаракатнинг вилоят бўлими кенгаши раиси, O`zLiDeP аъзоси Алишер Абдулҳодиев. — Қирғизистон билан чегарадош қишлоқларда мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилса, шундан 450 дан зиёдроғи ёшлардир. Туб аҳолининг кўпчилиги тижорат ишлари билан машғул. Натижада аксарият ёшлар назоратсиз қолиб кетишаяпти. Марказни айнан шу ҳудудда ташкил этишдан мақсад, улар ўртасида бандлик даражасини оширишдир.

Тоғли ҳудуд ҳисобланмиш Маданият, Курнос, Парда Турсун, Чоркесар қишлоқлари ҳамда Чоркесар шаҳарчасидаги 2500 дан ортиқ ўқувчилар эндиликда компьютер технологияси, тикувчилик, уй ҳамшираси ўқув курсларида таҳсил олишади, тегишли касб-ҳунар сирларини эгаллашади. Бу эса тоғли ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашда алоҳида аҳамиятга эгадир.

«ҒАЛЛА-2006»

Хирмон тўлиб тўкилди дон...

Бу йил сурхондарёлик ғаллакорлар учун баракали келди. Агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилиши, воҳа иқлимига мос навларнинг танлаб экилиши, ерга ва мулкка нисбатан янгича муносабатнинг қарор топгани мўл ҳосил тўплашда ўз самарасини берди. Мавжуд 33 та ширкат ва 5785 та фермер хўжаликлари сувли майдонларга "Крошка", "Палавчанка", "Краснодар", "Марс-1" сингари буғдой навларини экишган эди. Мана, ҳосил пишиб етилди.

Зумрад АБРОРОВА, Сайёра ТУРҒУНБОЕВА, Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, "XXI asr" мухбирлари

Вилоят ғаллакорлари айни кунгача 58 минг 800 гектар майдондаги буғдойни ўриб-йиғиб олиб, шартномавий режани муддатидан илгари бажаришди. Давлат қабул пунктларига 219 минг 700 тонна сара дон топширилди ва ҳар гектар майдон ҳисобига 44 центнердан ҳосил олинди.

Жорий йилда 6026 гектар майдонда деҳқончилик қилган Ангор тумани ғаллакорлари зафар маррасига биринчилар қаторида етиб келишди. Ҳар гектар майдондан 43,3 центнердан ҳосил олинди ва давлатга 15 минг 670 тонна дон топширилди. Тумандаги Исахон Баҳромов бошлиқ "Саидносирхон" фермер хўжалиги эришган натижа, айниқса, салмоқлидир. 72,5 гектар майдондан 616 тонна сара дон йиғиштириб олинди. Шундан 217 тоннаси давлат қабул пунктларига етказиб берилди. 400 тонна ғалла эса хўжалик ихтиёрида қолди. Ўзбекистон Қаҳрамони, O`zLiDeP вилоят кенгаши раиси, сенатор Аҳмад Нарзуллаев етакчилигидаги "Лочин" фермер хўжалиги нафақат Деновда, балки республикамизда ҳам яхши маълум. 124 гектар майдонда деҳқончилик қилган миришкорлар жами 992 тонна ғалла етиштириб, шунинг 375 тоннасини давлатга сотишди. O`zLiDeP аъзолари — Қизириқ туманидаги Нортожи Қултўраев, Термиз туманидаги Рисолат Маматқулова етакчилик қилаётган "Қорақасмоқ", "Сурхон воҳаси" фермер хўжаликлари ҳам ғалла етиштириш бўйича яхши кўрсаткичларга эришдилар. Таъкидлаш жоизки, 2005 йилда фермерларнинг ғаллачиликдаги улуши 58,2 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 80-85 фоизга етказиш мўлжалланмоқда. Айни кунгача вилоятда йиғиштириб олинган ҳосилнинг 395 минг тоннаси фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди.

Мутахассисларнинг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, бу йил ғалла етиштириш учун 42 миллиард 800 миллион сўм маблағ сарфланди. Соҳадан 54 миллиард сўм даромад, жумладан, 11 миллиард 200 миллион сўм соф фойда олиш кўзда тутилмоқда. Рентабеллик даражаси эса 26,2 фоизни ташкил этаяпти. Бу ўтган йилга нисбатан 4,2 фоизга кўп, демакдир.

Дастлабки довон забт этилди. Шундай бўлса-да, ўрим-йиғим суръати бўшаштирилаётгани йўқ. Сурхонлик миришкорлар даладаги мавжуд ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиб, ғалла тайёрлаш режасини 475 минг 900 тоннага, гектарлар ҳосилдорлигини эса 50,1 центнерга етказишни мўлжаллашмоқда.

АХБОРОТ

Ломоносовга ҳужжатлар топширилмоқда

М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг яқинда иш бошлаган Тошкент филиали амалий математика, информатика ва психология факультетларига ҳужжатлар қабул қила бошлади.

Ўз мухбиримиз

Мазкур илм даргоҳи россиялик ҳамкорлар билан таълим соҳасида амалга оширилган истиқболли лойиҳалардан биридир. Москва давлат университети йирик илмий салоҳиятга эга. Айни кунда бу ерда 40 мингдан зиёд талаба таҳсил олади. Дунёдаги тўртта давлатда унинг филиаллари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкентдаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, унинг бешинчи таянч пункти мамлакатимизда очилди. Москва давлат университетида мавжуд бўлган 29 факультетдан муҳим йўналишлар танлаб олинди. Биргина информатика йўналиши ҳақида гапирадиган бўлсак, информацион технологиялар асрида бу соҳа нечоғлик муҳим аҳамият касб этиши сир эмас.

Филиални битирган талабалар МДУ дипломига эга бўлишади. Бундай диплом бутун дунёда тан олинади. Айни кунда мазкур филиалга ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Барча имтиҳонлар ёзма равишда ўтказилади. Уларнинг тўлиқ жавоби 18 июлда эълон қилинади.

Талабалик шарафига муяссар бўлганларга МДУ профессорлари таълим беришади. 2006-2007 ўқув йилида бакалавриат йўналиши бўйича 80 нафар талаба қабул қилинади.

ҚАЕРДА тенгликка путур етса, у ерда дўстлик ҳам бўлмайди

ҲАМКОРЛИК

Манфаатлар мувозанати яқдиллик асосидир

Роппа-роса беш йил муқаддам дунёга келган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти минтақада стратегик барқарорликни мустаҳкамлаш, оммавий қирғин қуроллари тарқалишини чеклаш, халқаро муносабатларни такомиллаштириш ишига муносиб ҳисса қўшишга бел боғлаган ана шундай нуфузли тузилмадир.

БУГУН ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЮЗ БЕРАЁТГАН ЖИДДИЙ ЎЗГАРИШЛАР, ИНСОНИЯТНИ ЎЗ ТАҚДИРИ ВА КЕЛАЖАГИДАН ХАВОТИРЛАНИШГА МАЖБУР ЭТАЁТГАН ТЕРРОРЧИЛИК, ЭКСТРЕМИЗМ, АЙИРМАЧИЛИК, «ДЕМОКРАТИЯ ЭКСПОРТИ» СИНГАРИ ИЛЛАТЛАР ДИНИ, ТИЛИ ВА ҚАЙ ҲУДУДДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛИШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР, ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ БИЛАН ЯШАШ, ЁН-АТРОФДА ЮЗ БЕРАЁТГАН ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАРНИ ТЕРАН ТАҲЛИЛ ЭТИШ ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ МУҲИМ БУРЧИ ЭКАНЛИГИНИ АНГЛАТИБ ТУРИБДИ. МАНА ШУНДАЙ БИР ШАРОИТДА ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК, ЭНГ АСОСИЙСИ, ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН МУНОСАБАТЛАР КЕНГАЙИБ БОРАЁТГАНИ БЕҲАЛОВАТ КЎНГИЛЛАРГА ТАСКИН БЕРАДИ, АЛБАТТА.

Миродил АБДУРАҲМОНОВ,
сиёсий шарҳловчи

Тўғри, яқин-яқингача ҳам унинг халқаро майдондаги таъсири унчалар сезилмади. Бироқ 2005 йилнинг июль ойида Алматида бўлиб ўтган навбатдаги учрашувда унинг қатъий позицияси, мақсад ва интилишлари жаҳон жамоатчилиги эътиборини тортди, дейиш мумкин. Айниқса, ШҲТнинг Американинг Марказий Осиё ҳудудидаги базаларини ёпиш ҳақидаги даъватидан сўнг унга бўлган муносабат тубдан ўзгарди.

Навбатдаги учрашувда ҳам халқаро сиёсат билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама этилганлигини алоҳида таъкидламоқ лозим. Халқаро жамоатчилик саммит ишини диққат билан кузатаркан, унинг ғоят қисқа муддатда оёққа туриб олганига, дунёда юз бераётган воқеаларга фаол муносабати, хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорликни таъминлашга қаратилган қатъий сиёсий йўлига ишонч ҳосил қилди. Кечагина НАТОга аъзо бўлган давлатлар билан ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузишдан манфаатдор бўлган қатор мамлакатлар бугунга келиб, ШҲТ сафига қўшилиш истагини билдиришаётгани ҳам шундан. Дастлаб ташкилот аъзолари олтитани ташкил этган бўлса, айни кунда улар сони деярли икки баробарга ошгани ҳам ўзаро ишонч ва тенг ҳуқуқли муносабатлар сохта иддаолардан юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Агар ШҲТ доирасида қабул қилинган қарорлар аъзо мамлакатларнинг барчаси томонидан тўла маъқулланган тақдирдагина кучга киришини ва бу муносабатлар кўп томонлама келишувлар орқали мустаҳкамланиши лозимлигини назарда тутсак, ШҲТнинг қисқа вақт мобайнида катта обрў-эътибор қозонишига сабаб бўлган омиллар янада ойдинлашади. Ташкилот, ўз низомида белгиланганидек, айни кунда нафақат хавфсизлик, балки ижтимоий-иқтисодий, ишсизликни камайтириш ва гуманитар масалаларга ҳам жиддий эътибор қарата бошлади. Хусусан, саммит доирасида халқаро информацион хавфсизлик тўғрисидаги баёнот, таълим соҳасидаги ҳамкорликка оид шартнома, ишбилармонлик кенгашининг фаолияти, иқтисодий, молиявий ва банк тизимлари фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларнинг қабул қилиниши ШҲТнинг том маънодаги мақсад ва муддаолари моҳиятини кўрсатиб турибди.

Шу ўринда аъзо мамлакатлар — Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистоннинг катта энергетик захираларга эга эканлиги бошқа давлатларни ҳам ўзига жалб этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Кези келганда масаланинг яна нозик жиҳатига тўхталиш ўринлидек туюлади. Вашингтон энергетик захираларга бой бўлган Эронни ядровий қуролланишга зўр бераётганликда айблаб, унга қарши жазо чораларини кўриш, керак бўлса, ҳарбий куч ишлатиш лозимлигини тобора баландроқ пардаларда таъкидлаётган бир пайтда ШҲТ барча давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга тайёр эканлигини намойиш этаётир.

Юртбошимизнинг 14 июнь куни, яъни Шанхай сафари арафасида билдирган қуйидаги фикрларини яна бир бор ёдга олайлик: **"... маълумки, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўз сафида ҳудуди, аҳолиси ва иқтисодий салоҳияти жиҳатидан турлича мавқега эга бўлган давлатларни бирлаштиради. Албатта, ушбу давлатларнинг барчаси ҳам бу ташкилот доирасида ўз миллий манфаатларини кўзлаган ҳолда сиёсат олиб боришга интилади. Мана шундай нозик вазиятда ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлаш учун аввало нима керак, деган саволга мен, халқаро дипломатия тилида кенг қўлланадиган манфаатлар баланси, таъбир жоиз бўлса, манфаатлар мувозанати, деган мезонни доимо сақлаш, унга риоя қилиш ва бу масалани эътибор марказида тутиш керак, деб жавоб берган бўлардим".**

Президентимизнинг ана шу мулоҳазалари саммит доирасида қабул қилинган қатор ҳужжатларда ўз аксини топганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Саммит якунида қабул қилинган декларацияда баён этилган қуйидаги мулоҳазалар фикримизни исботлаши мумкин:

"Тарихан қарор топган маданият ва анъаналар, сиёсий ва ижтимоий тизимлардаги қадриятлар ва ривожланиш йўлини танлаш соҳасидаги тафовут бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашиш учун баҳона бўлмаслиги керак. Ижтимоий тараққиётнинг аниқ моделлари экспорт воситаси бўлолмайди".

Шуни таъкидлаш керакки, ШҲТ таркибидаги икки қудратли мамлакат БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари — Хитой ва Россия Ўзбекистоннинг ташкилот фаолиятидаги иштироки, ташаббуслари ва Марказий Осиёдаги муаммоларни ечиш борасида тутган ўрнига юқори баҳо бермоқдалар. Айниқса, Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари учрашуви чоғида Ху Цзиньтаонинг мамлакатимиз ҳақида билдирилган илиқ фикрлари алоҳида эътиборга лойиқ. Жумладан, у "Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро геосиёсатдаги стратегик аҳамияти, улкан иқтисодий салоҳияти, хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракат ва ташаббуслари Хитой томонининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқишини янада оширмоқда", дея таъкидлади.

Ёдингизда бўлса, Россия президенти Владимир Путин минтақадаги муаммоларни Ўзбекистоннинг иштирокисиз ечиб бўлмаслигига эътибор қаратганди. Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг минтақадаги барча давлатлар билан чегарадош эканлигини инобатга олсак, вазият янада ойдинлашади.

Юртбошимиз Шанхай саммитида сўзлаган нутқида ШҲТга аъзо давлатлар бирлиги ва хавфсизлигига рахна солиши мумкин бўлган кучлар ҳали-ҳануз ўзаро муносабатларга совуқчилик тушириш, минтақа мамлакатларини муқобил давлатлараро бирлашмаларни шакллантириш билан боғлиқ турли геосиёсий ўйинларга тортишга уринаётганларига эътибор қаратиб, **"Булардан мақсад, ўзининг стратегик манфаатлари йўлида минтақадаги вазиятни издан чиқаришдир"**, дея таъкидлади.

Шу ўринда бир оз ортга қайтиб, АҚШ вице-президенти Дик Чейнининг Қозоғистонга ташрифи чоғида уни минтақада юзага келаётган "энергетик ўйинлар"да иштирок этишга ундаганини эсга олайлик. Ёки Вашингтоннинг Марказий Осиёда ГУАМга ўхшаган ташкилот тузишга зўр бераётгани, энергетика масаласида Россия ва Хитой орасига совуқчилик туширишга ҳаракат қилаётгани ШҲТни парчалашга қаратилган уринишдан бошқа нарса эмас. Кўриниб турибдики, бундай ҳаракатлар замирида минтақадаги вазиятни издан чиқариш мақсади ётибди. Очиғи, ШҲТдек янги ва кучли халқаро ташкилотнинг майдонга келиши АҚШ манфаатларига мос тушмайди, албатта. Шу боис, АҚШ биринчи навбатда Хитой ва Россия ўртасида рақобат муҳитини яратишга интилиши ўз-ўзидан маълум. Ҳолбуки, ташкилот истиқболи асосан аъзо давлатларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқдир. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Тўғри, ҳамкорлик бор жойда баҳс-мунозара бўлади. Лекин ҳар қандай муаммони ташкилот доирасида ҳал этиш мумкин. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ШҲТнинг келажаги унга аъзо мамлакатларнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ, албатта.

Маълумки, бугунги кунда халқаро ҳамжамиятни терроризм, айирмачилик, экстремизм, наркобизнес иллатлари ҳар қачонгидан кўпроқ ташвишга солмоқда. Бу соҳадаги муаммоларни ҳал этиш борасида ШҲТ катта имкониятларга эга эканлигини ҳам алоҳида таъкидламоқ керак. Зеро, у ўтган қисқа давр мобайнида нималарга қодир эканлигини амалда намоён эта олди. ШҲТ қитъадаги геосиёсий вазиятга тобора кучли таъсир кўрсатаётгани учун ҳам айрим сиёсатчилар уни НАТОга қарши тузилган ташкилот, дея хулоса чиқаришга ҳам улгурдилар. Ваҳоланки, унинг ОДКБ, ЕврАзЭС, БМТ Тараққиёт Дастури, ЭСКАТО, АСЕАН ва ИҲК каби ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган сиёсий, иқтисодий ва гуманитар тузилма эканлигидан кўз юмиш оқни қора, дейиш билан баробардир.

ШҲТнинг ўтган йили Алматида бўлиб ўтган саммитида АҚШдан Марказий Осиёдаги қўшинларини олиб чиқиш муддатига аниқлик киритишга оид резолюция қабул қилинганини бир эсга олайлик. Ваҳоланки, ушбу кучлар минтақага Афғонистондаги фаол ҳарбий ҳаракатлар якунлангунга қадар киритилган эди. Бу ҳол айни кунгача ҳеч ким "мушугини пишт демаган" АҚШнинг қитиғига тегди, албатта. Иккинчидан, ШҲТ минтақа ҳудудига ғарбча демократияни тиқиштиришга қаратилган "рангли ўйин"ларга қарши тура олишини Ўзбекистон мисолида исботлади. Андижон воқеалари муносабати билан юртимизга қарши қаратилган информацион хуружлар пайтида Россия ва Хитой мамлакатимиз танлаган йўлни очиқ-ойдин қўллаб-қувватлади. Учинчидан, Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажоднинг ШҲТ йиғилишига таклиф этилиши Ғарбдаги айрим кучларга, Эронни турли йўллар, найранглар, керак бўлса, тазйиқ ўтказиш йўли билан бўлса-да, "синдириш"га уринаётган кимсаларга ёқмаслиги олдиндан аён эди. Ваҳоланки, Эрон Ислом Республикаси бир йилдан бери ШҲТ учрашувларида кузатувчи мақомида иштирок этиб келаётганига, унинг аъзоликка ариза берганига оз бўлса-да, эътибор қилинмади. Қолаверса, Москва билан имзоланган атом энергетикаси савдосига оид келишув, Эрондан 100 млрд. АҚШ доллари қийматида нефть ва газ сотиб олиш бўйича имзоланган Хитой — Эрон битими ҳам ўгай муносабатлар билан қуршалди.

Ҳатто Ғарбнинг аксарият ОАВ ва сиёсатчилари ШҲТни "Янги Варшава шартномаси", дея аташгача бордилар. Аслида эса Варшава шартномаси ва НАТО икки қутб, икки лагерь, икки тузумнинг ҳарбий соҳадаги рақобати маҳсули бўлгани батамом унутилди. Бугун эса дунёдаги вазият тамоман бошқача эканлиги, яъни замонавий халқаро муносабатларда иқтисодий омиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани ана шундай фикрловчиларнинг хаёлларидан кўтарилди, чоғи.

ШҲТнинг фаолияти асосан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга қаратилгани, у ташқи дунё учун очиқлиги аъзо давлатлар томонидан бир неча маротаба таъкидланган бўлса-да, манфаатлар тўқнашуви давомида бунга етарли аҳамият берилмади. Тан олиб айтиш керак: беш йил муқаддам Остонада имзоланган иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги меморандум дунё ҳамжамияти ўртасида алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Энг муҳими, бу ерда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича маслаҳатлашувларнинг аниқ механизми йўлга қўйилган. Бинобарин, ШҲТ аъзоси бўлган мамлакатлар бир-бирларининг ўзаро тараққиётидан тўла манфаатдор. Савдо-сотиқни кенгайтириш, ўзаро сармояларни кўпайтириш, қўшма корхоналар ташкил этиш, товар ва хизматларнинг эркин ҳаракатланиши учун шароит яратиш, энергетика таъминоти билан боғлиқ муаммолар давлат раҳбарларининг диққат марказида бўлди. Хусусан, ҳозирги кунда Қирғизистоннинг гидроузеллар тармоғи учун капитал маблағлар киритиш, Хитой ҳудуди орқали Афғонистон, Покистонга электр узатиш линияларини қуриш, Хитойдан тортиб Ўзбекистон чегарасигача темир ва автомобиль йўллари қурилишини жадаллаштириш муҳим стратегик аҳамиятга эга. ШҲТ мамлакатлари кўмагида Марказий Осиё, Ғарб, Яқин Шарқ ва Осиё Тинч океани минтақасидаги давлатлар ўртасида ўзаро товар айирбошлаш учун Евроосиё кўприги барпо этиладиган бўлди. Мана, икки йилдирки, сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича минтақада аниқ иқтисодий сиёсат олиб борилмоқда. Бу эса келажак манфаатларига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Саммит чоғида Россия президенти Владимир Путин томонидан илгари сурилган ШҲТнинг энергетика клубини тузиш ғояси аъзо давлатлар раҳбарларида катта қизиқиш уйғотди. Агар ушбу режа амалга ошадиган бўлса, ШҲТ Осиёдаги қудратли давлатлар ҳамжамиятига айланиши муқаррар. Ғарб мутахассисларидан бири Дэвид Волл, ҳатто ташкилотни "Бомбага эга бўлган ОПЕК" деб таърифлагани бежиз эмас. Дарвоқе, энергетика муаммолари ва сиёсат доимо бирбири билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Энергияга талаб ошган ҳозирги кунда бундай мулоҳазаларни тушуниш мумкин, албатта.

Бундан эса ШҲТнинг "хавфли" имкониятларини тан олишмоқдами, демак, яқин йилларда нефть ва газ захиралари учун кураш янада кескинлашади, деган хулоса чиқариш мумкин. Агар кейинчалик Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Монголия ҳам ШҲТга қабул қилинса, ушбу маконда яшаётган 3 миллиарддан зиёд аҳоли манфаатларини ўзаро ишонч ва тенг ҳуқуқлилик асосида ҳимоя қилишга қодир бўлган нуфузли, айни пайтда қудратли ташкилот пайдо бўлажагини ҳис этмаслик мумкин эмас. Ҳатто халқаро шарҳловчилар ҳам мазкур фикрни бир овоздан таъкидламоқдалар-ки, буни ШҲТ имкониятларига берилаётган холис баҳо, деб қабул қилиш мумкин бўлади.

Хуллас, XXI аср ШҲТ асри бўлади, дейиш учун тўла асос бор. Шанхайда давлат раҳбарлари томонидан ўтқазилган магнолия дарахти ШҲТ рамзига айланади. Унинг баргидан олинган ёғ қон босимини камайтириш қувватига эга бўлиб, минг йил яшаши мумкинлигида чуқур маъно бор.

Бир сўз билан айтганда, ШҲТнинг навбатдаги саммити манфаатлар мувозанатининг асоси яқдилликда эканини бутун жаҳонга намойиш этди, дейиш учун барча асослар мавжуд.

НУҚТАИ НАЗАР

ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР,

O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

Ғолибга — миллион сўмлик кредит

O`zLiDeP Қуйи Чирчиқ туман кенгаши томонидан касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида "Ишбилармон ўқувчи" кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

Тадбирда ўз истеъдодларини намоён эта олган энг иқтидорли уч нафар иштирокчи вилоят босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритди. Фермерлик соҳасида, хусусан, асаларичилик йўналиши бўйича биринчи ўринни қўлга киритган иқтидорли ўқувчига Ўзбекистон фермерлар уюшмаси қошида ташкил этилган Германия Агроакция ваколатхонаси томонидан ўнта иш ўрнини очиш шарти билан бир миллион сўм фоизсиз кредит берилди. Тикувчилик йўналиши бўйича ғолиб бўлган иккинчи ўрин соҳибасига "Отабек" хусусий фирмасида ишлаш шарти билан битта тикув машинаси ҳадя қилинди. Учинчи ўрин совриндори эса O`zLiDeP туман кенгашида компьютерда ишлаш имкониятини қўлга киритди.

Бурчга садоқат

Касби туманидаги Хўжақарлиқ маҳалла фуқаролар йиғинида "Фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи" мавзуида ўтказилган тадбир йиғилганларда катта таассурот уйғотди. O`zLiDeP туман кенгаши ҳамда мазкур маҳалла фаоллари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу учрашувда партия туман кенгашининг аъзолари, қўшни маҳаллалар оқсоқоллари, умумтаълим мактаблари ўқитувчи ва ўқувчилари, ота-оналар иштирок этдилар.

Маҳалла фаоллари ота-онанинг фарзанди ҳамда болаларнинг ота-оналари олдидаги бурчи, масъулияти ҳақида гапирдилар. Меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат каби азалий қадриятларимизга амал қилиш, уларни янада бойитиш жамиятимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бири эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда сўзга чиққан ўқувчилар авлодлар анъаналарига содиқ бўлиш, аъло ва яхши баҳоларда ўқиб, Ватан ва ота-она олдидаги фарзандлик бурчларини сидқидилдан адо этишга ваъда бердилар.

Тадбир қизиқарли савол-жавоблар билан якунланди.

Қонунни билган — хатога йўл қўймайди

O`zLiDeP Фориш туман кенгаши туман прокуратураси билан ҳамкорликда "Қонун ва биз" мавзуида ёшлар билан учрашув ўтказди. Унда ҳуқуқий саводхонлик, конституциявий бурч ва эркинликлар хусусида фикр-мулоҳаза юритилди, ёшлар ўртасида қонунбузарчилик ҳолларининг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди.

Прокуратура ходимлари вояга етмаганлар ўртасида учрайдиган жиноятчиликнинг турли шакллари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини аниқ далиллар орқали тушунтириб бердилар. Шунингдек, бугунги кунда айрим ёшларнинг нотўғри йўлларга кириб қолмасликлари учун умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириш, турли оммавий тадбирлар, қизиқарли мусобақа ва ўйинлар ташкил этишнинг аҳамияти ҳақида фикр юритилди.

Учрашув ниҳоясида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Зукко ва тадбиркор ўқувчилар баҳси

Урганчда "Ишбилармон ўқувчи" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирда шаҳар ҳамда туманлардаги касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари, ота-оналар, O`zLiDePнинг шаҳар ва туман кенгашлари раисларининг ўринбосарлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирни O`zLiDeP вилоят кенгашининг ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Д. Қобулова кириш сўзи билан очар экан, танловни ўтказишдан мақсад ёшларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларнинг интилишларини кучайтириш, тадбиркорлик кўникмаларини янада такомиллаштиришдан иборат эканлигини таъкидлади.

Танлов давомида энг зукко ва тадбиркор ўқувчилар сараланди. Совриндорлар қимматбаҳо совғалар, рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирландилар.

2006 йил 22 июнь
Пайшанба
25 (131) -сон
www.21asr.com
XXI ASR

ЖАРАЁН

ФАҚАТ инсонни севиш орқалигина адолатпарвар бўлиш мумкин

ХУҚУҚИЙ ҲИМОЯ

Фуқаролар манфаати йўлида

Бухоро вилояти адвокатлар ҳайъати қошида ҳуқуқий ҳимоя маркази ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Орадан ўтган салкам 10 ой очида бу марказ томонидан фуқаролар ва хўжалик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

МАРКАЗ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ЖАМИ 150 НАФАРДАН ОРТИҚ ФУҚАРО ҚАБУЛ ҚИЛИНИБ, УЛАРГА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ. ҚОНУНЧИЛИК ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ИШ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАНЛИГИ ТУФАЙЛИ ЖАМОА ХИЗМАТИГА БЎЛГАН ИШОНЧ ОРТМОҚДА.

■ **Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири**

Шу ўринда айрим мисолларга мурожаат этсак. Когон шаҳар ҳокимлиги топономик комиссияси томонидан Навоий номли кўчанинг номи ўзгартирилганлиги аҳоли ўртасида ҳақли эътироз уйғотган эди. Ҳуқуқий ҳимоя маркази ходимлари шу хусусидаги шикоятни ўрганиб чиқиб, масалага ойдинлик киритишди. Когон шаҳар ҳокимлигига топономик комиссиянинг кўча номини ўзгартиришга оид қарорини бекор қилиш тўғрисида таклиф киритилди.

Болалар — келажагимиз. Афсуски, ана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етмаётган мутассаддилар ҳам йўқ эмас. Ҳанифа Болтаева лоқайдлик қурбонига айланиб, сал бўлмаса 4 нафар боласи билан бошпанасиз қолиб кетиши мумкин эди. Ҳуқуқий ҳимоя маркази ходимларининг аралашуви билан Когон туманлараро суди томонидан чиқарилган қарор бекор қилинди. Даъво аризаси фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг кассацион ҳайъати қарорига мувофиқ Ҳ. Болтаева фойдасига ҳал қилинди.

Бухоро йўл-лойиҳа институтида ҳисобчи вазифасида меҳнат қилган Майрам Раҳимовага нисбатан раҳбарларнинг ноўрин муносабати ҳам уни ҳуқуқий ҳимоя марказига мурожаат қилишга мажбур этди.

Табиийки, адолат ва ҳақгўйлик ҳаммага ҳам ёқавермайди. Тарафкашликдан ёмонроқ иллат йўқ. Аҳвол шу даражага бориб етдики, М. Раҳимова батамом яккаланиб қолди. Маънавий босим, асаббузарликлар ўз ишини қилди: Майрам навбатдаги меҳнат таътили берилишини сўраб, ариза ёзди. Таътилдан сўнг ўз ихтиёри билан ишдан бўшатишларини сўради. Бироқ вазият ўзгариб, таътилдаги ходим — Майрам Раҳимова ишга чақириб олинади. У яна ўз фаолиятини давом эттира бошлайди, яъни ҳисобчи сифатида молиявий ҳужжатларга имзо қўяди, текширувларда иштирок этади ва ҳоказо. Энг ачинарлиси, ўтган давр мобайнида унга ҳеч қандай иш ҳақи берилмайди. Аксинча, қонуний таътилдан чақириб олинган ходимга нисбатан адолатсиз йўл тутилиб, шартнома бекор қилинганлиги хусусидаги ёзув битилган меҳнат дафтарчаси топширилади. Шундан кейин ҳуқуқий ҳимоя маркази ходимлари дадил ишга киришдилар. Уларнинг саъй-ҳаракати билан масала (суд йиғилишига қадар) М. Раҳимова фойдасига ижобий ҳал этилди.



Ҳуқуқий ҳимоя маркази раҳбари, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - O`zLiDeP аъзоси Тошпўлат Саидовнинг таъкидлашича, хўжалик ва фуқаролик ишлари бўйича барча суд жараёнларида асосий эътибор моддий ва маънавий жабр кўрган кишилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилмоқда. Жойларда тегишли тушунтириш ишларини олиб бориш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳам диққат-марказида турган масалалардан биридир.

Яқинда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга бағишлаб Жондор тумани ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда 100 нафардан ортиқ киши қатнашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар. Бундай учрашув ва мулоқотларни вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ташкил этиш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, ҳимоя маркази турли миқдорлардаги қарзларни ундириб бериш, никоҳни бекор қилиш, етказилган зарарни қоплаш, уй-жойларда истиқомат қилувчи кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиш, мол-мулкни сотиб олиш ва сотиб юбориш билан боғлиқ шартномалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига оид бошқа бир қатор масалаларни ижобий ҳал этиш йўлида изчиллик билан иш юритмоқда. Бу эса аҳоли манфаатларига тўла мос бўлиб тушаётир.

ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ

Меҳнат қилган элда азиз

■ **Эътиборхон АҲМЕДОВА, Фарғона вилояти, Фуркат туманидаги «Навбаҳор» қишлоқ фуқаролари йиғини раиси**

Бу кишининг одамийлиги, ўз юрти ва миллати фидойиси эканлиги тўғрисида жуда кўп эшитганман. Ҳамқишлоқлари унга иззат-икром билан «уста», дея мурожаат этишади. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган уста «Чилгижийда» қишлоғининг Шотўра маҳалласидан. Исми шарифлари Маҳаматали Юсупов. Миллий ҳунармандчиликнинг наққошлик тури билан шуғулланади. Устанинг ота-боболари ҳам ўз замонасининг машҳур ҳунармандлари бўлишган.

Улар Қўқон ва унинг атрофидаги қишлоқларда салобатли, кўркам бинолар қуришган. Масжиду мадрасалар қурилишида иштирок этишган. Устазодалар қўли теккан бинолар ҳамон ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда укалари Имомали, фарзандлари Козимжон ва Муроджон, жиянлари Нодиржон, Аҳроржон, Зокиржонлар ҳам ота касбини эъзозлаб келишаяпти.

Бир даврада уста ҳақида жуда яхши гаплар бўлди. Худди шу кунларда Президент соврини учун "Ташаббус — 2006" кўрик-танловининг туман босқичига тайёргарлик кўрилаётган эди. Қишлоқ фуқаролар йиғинининг котиби Исоқжон Муродов Маҳаматали ҳақида гапириб, у кишининг ишларини кўрик-танловда намойиш этиш таклифини ўртага ташлади. Бу фикр маъқул келди... Уста кўрик-танловга алоҳида тайёргарлик кўрди. Ишлардан намуналар танланди. У бош бўлиб қурдирган бинолар, чойхоналар, ҳовли-жойларнинг тасвирлари тасмаларга туширилди, фотосуратлари олинди. Маҳаматали Юсупов "Ташаббус — 2006" кўрик-танловининг туман босқичида "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси бўйича 1-ўринни эгаллади.

Уста Маҳаматали ёшлигидан отаси билан ёнма-ён туриб, турли қурилишларда иштирок этган. Миллий ганч ва ёғоч ўймакорлигининг сир-асрорларини ўшанда ўрганган. Ишининг пишиқлиги, ўйган нақшларининг бетакрорлиги ҳар қандай дидли киши эътиборини ўзига тортади. Шунинг учун ҳам устани сўраб келувчиларнинг кети узилмайди. У қайси вилоят, туман ёки шаҳарга бориб, катта-катта қурилишларда иштирок этиб, уларга безак берган бўлса, ўша биноларда Қўқон меъморчилик санъати яққол акс этиб туради. Яйпан шаҳри боғида XV аср ёғоч ўймакорлиги асосида безалган чойхона, Фурқат туманининг Эски қишлоғидаги миллий услубда қурилган чойхона мажмуаси, Жиззах вилоятининг "Зарбдор" туманидаги Тошкент — Самарқанд йўли бўйида қад ростлаган "Ипак йўли" чойхонаси, шу тумандаги "Оқсарой" оромгоҳи мажмуаси, Самарқанддаги Исмоил ал-Бухорий масжиди, Шўҳай қишлоғидаги агросаноат касб-ҳунар коллежи биноларига ишланган безаклар, шунингдек, Ўзбекистон туманидаги Яккатут қишлоғида жойлашган спорт мажмуаси, Ўқчи қишлоғида жойлашган «Шаҳидлар майдони»даги иншоотлар миллий ўймакорлик санъатининг ўзига хос намуналаридир.

Уста ўз ишлари билан "Ташаббус — 2006" кўрик-танловининг вилоят босқичида ҳам иштирок этди. Бу ерда унинг ишларига юқори баҳо берилди.

Устанинг маҳалла-кўйдаги обрў-эътибори ҳам, яшаш тарзи ҳам, оиласи ҳам ҳавас қилса арзигулик. Узоқ йиллар Фурқат номли ширкат хўжалигининг қурилиш бригадасига етакчилик қилиб, кўплаб шогирдлар етиштирган. Умуман олганда, уста 300 дан зиёд шогирдларига оқ фотиҳа берган.

Маҳаматали Юсупов Фурқат тумани маиший хизмат кўрсатиш уюшмасида наққош бўлиб ишлаши билан бирга, Президентимизнинг касаначиликни ривожлантириш тўғрисидаги Фармонига асосан аҳолини иш билан таъминлаш, халқнинг турмуш фаровонлигини оширишга ҳам ҳисса қўшиш мақсадида "Уста Юсуфжон наққош" хусусий корхонасини ташкил этди. Бу ерда айни пайтда 50 нафар ҳунарманд фаолият кўрсатмоқда.

Уста "Навбаҳор" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Чилгижийда" маҳалла фуқаролари йиғини фаоли сифатида ҳам эл-юрт орасида ҳурмат қозонган. У киши маҳаллада янги иш ўринлари яратиш, кам таъминланган оилалар, беморлар, якка-ёлғизларга моддий ва маънавий ёрдам бериш борасида барчага ибрат бўлмоқда. Маҳаллада яшовчи 3 нафар болани ўз оталиғига олиб, ҳунар ўргатмоқда.

Маҳаматали наққош жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб келаяпти. Хусусан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг аъзоси сифатида аҳолига O`zLiDeP Дастури ва ғояларини кенг тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Устанинг катта ўғли Козимжон Фарғона политехника институтининг қурилиш-муҳандислик факультетини тугатган. Ҳозир отаси билан ёнма-ён меҳнат қилаяпти. Кичик ўғли Муроджон ҳам ота изидан бормоқда.

ИНСОНИЙЛИК

Қалб саховати

Инсонийлик, меҳр-оқибат ҳақида гап кетганда, Гулистон туманида яшаб, ижод қилаётган журналист Баҳринисо Норжигитова кўз олдимга келаверади. Бунинг сабаби бор. Баҳринисо ўзининг долзарб мавзулардаги мақолалари орқалигина эмас, балки бева-бечораларга кўрсатаётган ҳиммати билан ҳам кўпчилик ҳурматига сазовор бўлаяпти.

■ **Примкул ДЎСТМАМАТОВ, «XXI asr» мухбири**

"Боёвут" қишлоғида истиқомат қилувчи Акбар Нўшиев ногиронлар аравачасига муҳтож эканлигини билди-ю, тинчини йўқотди. Суриштириб билса, у ҳатто қишлоқ даволаш масканида алоҳида ҳисобга ҳам олинмаган экан. 32 ёшли ногирон йигит аҳволидан воқиф бўлгач, Гулистон тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига йўл олди. Архив ҳужжатлари орасидан Акбарнинг 2-гуруҳ ногирони эканлигини тасдиқловчи маълумотномани излаб топди. Аниқланишича, у болалигидан — оқ фалаж. Ота-онадан айрилгач, ёлғиз акасининг қарамоғида қолган. Тақдирни қарангки, хасталиги боис акаси Умматнинг ўзи ҳам ёрдамга муҳтож эди. Нима қилиш керак? Баҳринисо туман тиббий назорат ҳайъати раиси Абдували Тўрабеков билан Нўшиевлар яшаётган хонадонга борди, шароитни ўрганди. Ўзаро маслаҳатлашиб, Халқаро нодавлат ва нотижорат ташкилот — "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармасининг вилоят бўлимига мурожаат қилишди. Дунёда яхшилар кўп экан. Кўп ўтмай Нўшиевларга ногиронлик аравачаси топширилди, оила аъзолари учун зарур доридармон ва кийим-кечаклар тақдим этилди.

Шу туманда яшовчи Мавлуда Тўрабоева туғма "қуёнчиқ" дардига мубтало бўлган, уни фақат жарроҳлик йўли билан даволаш мумкин эди.

Мавлуда ҳозир 19 ёшда. Аммо негадир шу пайтгача бирор марта шифокор кўригидан ўтказилмаган. Унинг ногиронлигини кўпчилик билмайди ҳам. Ваҳоланки даволанса, бошқаларга ўхшаб яхши бир оиланинг гулдай келини бўлиши мумкин.

Агар тақдир уни Баҳринисо Норжигитова билан учраштирмаганида, ким билсин, ота ва онасидан эрта етим қолган бу қиз яна қанча вақт сарсон-саргардон бўлиб юрар эди. "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Олтиной Эсонова дил сўзларини қуйидагича ҳикоя қилади:

— Дунёда инсофли, диёнатли инсонлар кўп. Бунинг учун Яратганга минг карра шукр қилсак арзийди. Мавлуданинг аҳволидан хабар топгач, халқаро "Соғлом авлод учун" нодавлат нотижорат хайрия жамғармаси раҳбари Дилбар Олимжоновадан, жамғарманинг тиббий бўлими бошлиғи Жумабек Норовдан ёрдам сўрадик. Маълум бўлдики, мижознинг ёши анча улғайиб қолганлиги сабабли, уни мазкур жамғарма ихтиёридаги шифохонада операция қилиш имкони йўқ экан. Шундай бўлса-да, йўли топилди: жарроҳлик муолажасини амалга ошириш мақсадида Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги "Алишер - тиббиёт" хусусий клиникаси ҳисобига жамғарма ҳисобидан бир миллион сўмга яқин маблағ ўтказиб бердик.

Операция муваффақиятли ўтди. Клиника раҳбари, олий тоифали шифокор Фарҳод Матчоновнинг саъй-ҳаракати билан Мавлудага пластик жарроҳлик йўли билан танглай қўйилди. Деярли йигирма йилдан бери ўксиб яшаган қизнинг боши осмонга етди... Бугунги кунда у ўз халоскорлари — Фарҳод Матчонов, тиббиёт фанлари доктори, стоматолог Моҳир Маҳкамов, қўли енгил жарроҳ Рустам Омонуллаев, даволовчи шифокор Акмал Мўйдинов, терапевт Наталья Степакова ва ҳамшира Гулнора Курамшиналар хизматидан беҳад миннатдор.

Яқинда Баҳринисо Норжигитовани шаҳарда учратиб қолдим. Бу гал ҳам қандайдир ташвиш билан юрган экан.

— Мавлудага паспорт олиб бермоқчиман. Шунда туман тиббиёт ҳайъати унинг ногиронлигини тасдиқловчи ҳужжат беради, — деди у.

Ҳадиси шарифларда: "Бир мискиннинг кўнглини олиш — Каъбани зиёрат қилиш билан баробар", дейилади. Катта қалб эгаси, иқтидорли журналист Баҳринисо Норжигитова фаолиятидан бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. У савоб ишлар қилиб, савоб топаяпти, кўпнинг дуосини олаяпти. Фикримизча, шунинг ўзи юксак олижаноблик нишонасидир.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Қувноқлар ва зукколар" жамоалари ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Қувноқлар ва зукколар беллашуви

■ **Ўз мухбиримиз**

Унда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг "Аъло", Тиббиёт академиясининг "Адреналин", Тошкент аграр университетининг "Янги юлдузлар", Ўзбекистон Миллий университетининг "Шоввозлар" ва Урганч давлат университетининг "Ёшуллилар" жамоалари 3 та шарт бўйича беллашдилар. Гуруҳларнинг чиқишларида ёшлар ҳаётининг ўзига хос қирралари театрлаштирилган лавҳалар, ҳангомалар, ҳазил, мутойибалар орқали акс эттирилди. Танлов якунига кўра, биринчи ўрин Ўзбекистон Миллий университетининг "Шоввозлар" жамоасига, иккинчи ўрин Тошкент давлат аграр университетининг "Янги юлдузлар" жамоасига насиб этди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг "Аъло" жамоаси эса учинчи ўринга сазовор бўлди. Ғолиблар махсус совринлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

"Dedeman Silk Road" меҳмонхонасида ўзбек-япон маркази томонидан ташкил этилган профессионал менежмент бўйича навбатдаги ўқув курсининг тақдимот маросими бўлди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон-Япония муносабатларини ривожлантиришда Тошкентдаги япон марказининг алоҳида ўрни бор.

Ўзбек-япон маркази ўз фаолиятини кенгайтирмоқда

■ **Ўз мухбиримиз**

Унинг қошида ташкил қилинган ва турли соҳаларга йўналтирилган ўқув курслари мутахассисларимиз малакасини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу марказ ташаббуси билан ташкил этилган профессионал менежмент дастури Ўзбекистонда саккизинчи бор ўтказилаяпти. Дастур ишбилармон доира вакиллари учун мўлжалланган. Беш ойлик курс давомида тингловчилар японияликлар мутахассислардан замонавий бизнес сирларини ўрганадилар, улардан энг фаоллари Японияда малака ошириш имконига эга бўладилар.

Тақдимот маросими давомида навбатдаги бизнес курси ва унинг шартлари ҳақида маълумот берилди. Ўқув машғулотларини шу йил сентябрь ойидан бошлаш кўзда тутилмоқда. Ҳужжатларни қабул қилиш 30 июнга қадар давом этади. Курсни битирган тингловчиларга махсус диплом ва сертификат топширилади.

ҚУТЛОВ

ШЎРТАНГАЗКИМЁ МАЖМУАСИ

Мамлакатимизда миллий истиқлол ғояларини кенг тарғиб этаётган, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, хонадонларимизнинг файзли бўлишига муносиб ҳисса қўшаётган турли касб эгалари меҳнатини улуғлаб, уларни янги марралар сари руҳлантираётган барча қаламкаш дўстларни касб байрамлари — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий муборакбод этади.

Ижодингизга барака, азиз дўстлар!

ҚУТЛОВ

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА НУФУЗЛИ БАНКЛАРИДАН БИРИ —

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»

Мамлакатимизда фаолият юритаётган барча оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади. Мустақил юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, иқтисодиётимиз равнақи, халқимиз бахт-саодати йўлида қалам тебратаётган ижодкорларга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, жўшқинлик тилайди.

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

«ҚАШҚАДАРЁПАХТАСАНОАТ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимиз осойишталиги, фарзандларимиз бахт-саодати йўлида хизмат қилаётган барча заҳматкаш инсонларни касб байрамлари билан қутлайди. Оилаларига тинчлик-хотиржамлик, дастурхонларига файз-барака тилайди. Сизларга омад ҳамиша ёр бўлсин, азиз қаламкашлар!

«НАМАНГАНЁҒЭКСТРАКЦИЯ» ОАЖ ЖАМОАСИ

Республикамизда яшаб, ижод қилаётган барча қалам аҳлини Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан қизғин табриклайди. Мураккаб, аммо шарафли ишларида омад ва муваффақият ҳамиша ёр бўлсин.

Етакчи

■ Тўзалбой РАҲИМБОЕВ

АЙНИ КУНДА УРГАНЧ ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АТРОФИГА УЮШГАН 664 НАФАР АЪЗОНИНГ ЯРМИГА ЯҚИНИ, ЯЪНИ 228 НАФАРИНИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ. УЛАР ОРАСИДА ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ЧУНОНЧИ, ЯҚИНДА БПТ РАИСИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН "ЭКОЛОГИЯ ВА АЁЛ", "СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА" МАВЗУЛАРИДА ЖОНЛИ МУЛОҚОТ ВА ДАВРА СУҲБАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Урганчдаги вилоят ўсма касалликлари шифохонасида бўлганимизда, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси Ойжон Нурматова ҳақида илиқ гаплар эшитдик.

— Ойжон Аҳмедовна тажрибали, ишчан раисларимиздан. У бошланғич ташкилотга моҳирона етакчилик қилиш билан бирга шаҳар партия кенгаши раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари сифатида ҳам самарали иш олиб бормоқда, — дейди партия фаоллари биз билан суҳбатда.

Дарҳақиқат, икки йил бурун шифохонада бошланғич ташкилотни тузиш ва уни шакллантиришда алоҳида ғайрат кўрсатганлардан бири О. Нурматова эди. Бугунги кунда ташкилот ўз атрофига 12 нафар аъзони бирлаштирган. Уларнинг аксарияти хотин-қизлар ва ёшлардир.

— Ёшлар билан ишлаш мароқли, — дея ҳикоя қилади раиса. — Улар янги партия олдида турган мақсад ҳамда вазифаларни яхши тушунишади. Айни кунда шу асосда иш олиб боришмоқда. Бир-бирларига ёрдам беришади, ўз тажрибаларини ўртоқлашишади. Бари илмга чанқоқ, изланувчан.

"Ҳар бир инсон қалбида ўз халқи, ўзи яшаётган жамият қиёфаси намоён бўлади", деган экан донишмандлардан бири. О. Нурматова ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Хусусан, у партия аъзоларининг сиёсий фаоллигини ошириш, ўзбекона удумлар, урф-одатлар ва анъаналарни кенг тарғиб қилиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ҳақида астойдил қайғуради.

Партия фаоллари иштирокида ўтказилган навбатдаги тадбирда ёшларни она-юртга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни зарарли одатлардан, айниқса, турли ахборот хуружларидан муҳофаза қилиш борасида O`zLiDeP аъзолари алоҳида фаоллик кўрсатишлари лозимлиги таъкидланди. Тарғиботнинг таъсир кучини қаранг, ушбу йиғилишдан кейин ёш ҳамшира Замира Дорменқулова БПТ раиси олдига келиб, дилидагини изҳор қилди:

— Анчадан буён кўриб-кузатиб юрибман. Тадбирларингиз бири-биридан қизиқарли, жонли. Мен ҳам шу партияга аъзо бўлсам, дегандим. Агар маъқул кўрсангиз...

— Бажонидил. Аммо, аввал партия низоми ва дастури билан танишиб чиқинг, билмаган нарсаларингизни сўраб олинг. Кейин бу масалани ҳал қиламиз.

Худди шундай бўлди. Навбатдаги партия йиғилишида Замира ҳам O`zLiDePчилар сафига қабул қилинди.

Кимки ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди. Ойжон сафдошлари даврасида бўларкан, бу сўзларни такрорлашни хуш кўради. Унинг фикрича, хоҳ шифокор, хоҳ ўқитувчи, хоҳ деҳқон бўлсин, шу халқ, шу заминнинг фидойи фарзанди бўлмоғи лозим. Ўз ҳалол меҳнати орқали жамиятга кўпроқ наф етказган одамгина чинакам ҳурматга лойиқдир.

Айни кунда Урганч шаҳар партия ташкилоти атрофига уюшган 664 нафар аъзонинг ярмига яқини, яъни 228 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Улар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Чунончи, яқинда БПТ раисининг ташаббуси билан "Экология ва аёл", "Соғлом она — соғлом бола" мавзуларида жонли мулоқот ва давра суҳбати ташкил этилди.

"Ойжон — бизнинг фахримиз", дейишади ҳамкасблари. Бу, албатта, бежиз эмас. О. Нурматова лаборатория мудири, олий тоифали врач сифатида аҳоли саломатлиги йўлида билим ва маҳоратини аямаяпти. Эл-юрт ўртасида эъзоз топаётганлиги ҳам шундан.

Янгийўлда шундай аёл бор

у ўзининг ташкилотчилик ва тадбиркорлик соҳасидаги фаолияти билан ўрнак бўлмоқда

■ Дониёр КАМОЛ,
«XXI asr» мухбири

КАРИЮ ЁШНИНГ ҲУРМАТ-ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНИШ ОСОН ЭМАС, АЛБАТТА. РАЪНО ОПА ОДАМЛАРДАН ШИРИН СЎЗИЮ ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТИНИ, БЕМИННАТ ЁРДАМИНИ АЯМАЙДИ, АКСИНЧА ҚЎЛИДАН КЕЛГАНИЧА ЯХШИЛИК ҚИЛИШГА ИНТИЛАДИ. БУНДАН РОППА-РОСА БЕШ ЙИЛ АВВАЛ ДАНҒИР ҚИШЛОҒИДА АЁЛ-ҚИЗЛАР УЧУН ЎҚУВ КУРСИ ОЧИЛГАНИДА, ОЧИҒИ, КЎПЧИЛИК УНИНГ ИШЛАБ КЕТИШИГА ИШОНҚИРАМАГАН ЭДИ.

Кутилмаганда чеварлик йўналиши бўйича ташкил этилган машғулотларга қиз-жувонлар фаол қатнай бошлашди. Кейинчалик сават тўқиш, сартарошлик курслари очилиб, уларга ҳам бирталай қишлоқ ёшлари жалб этилди. Қарабсизки, узоғи билан бир йилда "Раъно-стил дизайн" ўқув марказининг номи туман бўйлаб тарқалди. Ҳозирги кунда ҳамширалик, чеварлик, сартарошлик, тикувчилик, тўқувчилик каби 10 та йўналиш бўйича ўқув машғулотлари олиб борилаётир. Бу ерда 30 дан ортиқ йигит-қизлар турли хил касб-ҳунар сирларини ўрганишмоқда.

Ташкилотчилик — Р. Бобоевага хос хислатлардан бири. У одамлар билан тез тил топиша олади. Янгиликка ниҳоятда ўч. Айни шу хусусиятлар унинг сиёсий фаолиятида жуда қўл келмоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил этилганда биринчилар қаторида унинг сафига кирган ва ўзи раҳбарлик қилаётган марказда бошланғич партия ташкилотига асос солган эди. Тўғри, аъзолар сони ҳозирча 6 нафар. Бироқ улар кучи ва ташаббуси билан кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётганлиги эътиборга молиқдир. Узоққа бормайлик, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан тумандаги уруш ва меҳнат фахрийлари учун дастурхон ёзилиб, уларга турли совға-саломлар улашилди. Ўша куни бир отахон кўзида ёш билан бундай ҳурмат ва эътибор учун партия ташкилотига миннатдорчилик билдиргани ҳали-ҳамон кўпчиликнинг ёдида.

Албатта, бундай тадбирлар керак. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Партия фаолиятида сиёсий ташкилотчилик ишлари етакчи ўрин тутади. Р. Бобоева шундан келиб чиқиб, жамоа аъзолари ўртасида O`zLiDePнинг ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш, тарафдорлар сафини кенгайтириш йўлида куч-ғайратини аямаётир.

— Бошланғич ташкилотимиз аъзолари асосан хотин-қизлардан иборат, — дейди Р. Бобоева. — Жойларда тез-тез бўлиб, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, ёшлар тарбиясини яхшилаш, Президентимизнинг касаначиликни ривожлантиришга оид Фармони ижросини таъминлаш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораяпмиз. Натижа ёмон эмас. Биринчидан, эртанги кунга ишонч ортиб, касаначилик билан шуғулланувчи аёллар сафи кенгаймоқда. Иккинчидан, турмуш фаровонлигини ошириш йўлида янги имкониятлар юзага келяпти. Аммо хотиржам бўлишга ҳали эрта. Фаолиятимизда айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Эртами-кеч, улар бартараф этилади, албатта. Зеро партия ва халқ манфаатлари йўлида сидқидилдан хизмат қилиш, сиёсий ва иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўшиш биринчи галдаги бурчимиздир.

Раъно БОБОЕВА,
1960 йилда Янгийўл туманидаги Данғир қишлоғида туғилган. Маълумоти — олий, 1985 йилда Тошкент давлат маданият институтининг режиссёрлик факультетини тамомлаган. Оилали, 4 нафар фарзанди бор. Тумандаги "Раъно — стил дизайн" ўқув маркази раҳбари, халқ депутатлари туман кенгаши депутати, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

... Партия учун янги иш ўринлари яратиш, ишсизликка қарши курашиш, аввалламбор, ёшларни иш билан таъминлаш ниҳоятда зарур ва кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Бу масалани ечишнинг асосий йўналишлари сифатида партия аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, ижтимоий аҳамиятга эга соҳаларда меҳнатга бўлган иқтисодий манфаатдорликни ошириш, ўзгарувчан бозор конъюнктурасига мослаштирилган малака ошириш ва профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш, шунингдек, қўшимча таълим олиш ва касб ўрганиш соҳасини тубдан яхшилаш керак, деб ҳисоблайди.

O`zLiDeP Дастуридан

Илова учун масъуллар:
Носир ТОШЕВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ



TURON BANK

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ
«ТУРОНБАНК»
жамоаси

Она юртимизнинг барча худудларида фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан муборакбод этади.
Одамлар онгини ўзгартиришга, ёшларимизни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшаётган ижодкор ҳамюртлар!
Сизларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий муборакбод этамиз.
Оилангизга тинчлик-хотиржамлик, ижодингизга баркамоллик тилаймиз!

Зотан, тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги, аввало, уларнинг ҳозиржавоблиги билан белгиланади.

Партия ва халқ манфаатлари йўлида сидқидилдан хизмат қилиш, сиёсий ва иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўшиш биринчи галдаги бурчимиздир.

«XXI ASR» IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI WWW.21ASR.COM

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЎЗ ИШИНГНИ СЕВСАНГ, ЭНГ ОҒИР МЕҲНАТ ҲАМ ИЖОДГА АЙЛАНАДИ

« БУГУНГИ КУНДА ОАВ УМУМИНСОНИЙ ЭЗГУ ҒОЯЛАРНИНГ ЭРКИН МИНБАРИ БЎЛИШГА ИНТИЛАР ЭКАН, ҲАҚИҚАТ ВА ХОЛИСЛИК ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ДОИМИЙ ЎЗГАРМАС ҚОИДАСИГА АЙЛАНИШИ ШАРТ ».

Ислом КАРИМОВ

Бунёдкор ғоялар тарғиботчиси

Бухоро вилоят телерадиокомпанияси бошланғич партия ташкилоти ана шу номга лойиқ бўлиш учун бор имкониятларини ишга солмоқда

Ахборот асри дея таърифланаётган бугунги тезкор давримизда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутаётгани бежиз эмас. Хусусан, радио ва телевидение ўз ижтимоий-сиёсий аҳамиятига кўра ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди.

■ **Носир ТОШЕВ, Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбирлари**

Телерадиокомпания (директори — O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг ўринбосари, партия Сиёсий Кенгаши аъзоси Фармон Аминов) фаолияти билан танишар эканмиз, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Жамоада юз кўрсатаётган техник ва ижодий ўзгаришларда, ҳеч шубҳасиз, ўз сафида 10 нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган бошланғич партия ташкилотининг ҳиссаси бор. Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётига оид муҳим воқеаларга холис муносабат билдиришда Абдунаби Ҳамро, Ҳамид Ғофуров, Ренат Тачкин, Зуҳра Рамазонова сингарилар меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим.

O`zLiDeP аъзоси, истеъдодли тележурналист Ҳамид Ғофуровнинг ижодий йўлига назар ташлар экансиз, ҳар бир кўрсатув бугунги кун талаблари даражасида тайёрлангачгина мухлислар ҳукмига ҳавола этилаётганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Чунончи, "Замин" муаллифлик кўрсатуви аллақачон ўз аудиториясини топган, десак хато бўлмайди. Қишлоқ меҳнатчиларининг қувончу ташвишлари, орзу-ўйлари ҳақида ҳикоя қилувчи бундай кўрсатувларга қизиқиш юқори. Кейинги пайтда Бухоро, Ғиждувон, Қоракўл, Пешкў ва бошқа туманларда ўз бунёдкорлик фаолияти билан маъмурчилик яратишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган инсонлар тўғрисида кўплаб кўрсатувлар намойиш этилди.

Ренат Тачкин вилоят радиосининг рус эшиттиришлари таҳририятида 30 йилдан кўпроқ вақтдан бери самарали ижод қилиб келмоқда. У етук радиожурналист, фаол партия аъзоси сифатида ҳам ҳамкасблари эътиборини қозонган. O`zLiDeP вилоят кенгашининг Сиёсий таълим марказида фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этиладиган тадбирлар ҳақидаги тезкор интервью ва ахборотлар Ренат Тачкин ва унинг ҳамкасби, иқтидорли журналист Холида Гимранова ижодий меҳнатлари самарасидир.

— Биласизми, — дейди биз билан суҳбатда БПТ раиси Д. Мамаражабов. — O`zLiDeP Дастурида диққат-эътибор қаратилиши лозим бўлган масалаларга кенг ўрин ажратилган. Ана шулардан бири оммада партия сиёсий платформаси ҳақида ижтимоий фикрни шакллантиришдир. Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Кейинги 5 йил ичида телерадиокомпания бир қатор янги техник жиҳозлар, замонавий ускуналар билан таъминланди. Натижада кўрсатув ва эшиттиришларнинг сифати техник жиҳатдан яхшиланиб, улар мазмунан бойиб бормоқда.

Юртбошимизнинг "Бугунги кунда ОАВ умуминсоний эзгу ғояларининг эркин минбари бўлишга интилар экан, ҳақиқат ва холислик журналистиканинг доимий ўзгармас қоидасига айланиши шарт"

деган сўзлари, ҳеч шубҳасиз, телерадиожурналистлар фаолиятига тааллуқлидир. Спорт шарҳловчиси Бахтиёр Асадов, суд-ҳуқуқ, партиявий-ташкилий, маънавий-маърифий мавзуларда кўрсатув олиб борадиган Отабек Сафаров, ўз овози, услуби, янгиликка интилиши билан кўпчиликка танилиб қолган Мунисхон Каримова яқинда O`zLiDeP сафига қабул қилинганлиги бежиз эмас.

Партия вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари томонидан ташкил этилаётган турли тадбирлар, йиғилиш ва семинарлар телеижодкорлар назаридан четда қолаётгани йўқ. Когон туманида ташкил этилган O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари раҳбарларининг ўқуви фикримиз исботидир. Партия вилоят кенгаши масъул ходимлари, назариётчи олимлар иштирокида ўтказилган мазкур тадбир ҳақидаги телесюжет ўша куннинг эртасигаёқ намойиш этилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мана, бир неча йилдирки, Бухоро телевидениеси орқали "Аср" ахборот дастури эфирга узатилмоқда. Вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид сўнгги янгиликлар ана шу дастур орқали оммага етказилаяпти. Даврмиз шиддат билан ўзгариб бораётганлигини, бугунги гап эртага эскириб қолишини ҳисобга оладиган бўлсак, "Аср" ахборот дастури ижодкорлари зиммасида нечоғлик катта масъулият турганлигини ҳис этиш мумкин. Ушбу дастур вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётини акс эттирувчи ўзига хос кўзгуга айланиб бормоқда, десак хато қилмаймиз.

Албатта, кундалик воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний акс эттириш журналист ва операторлардан алоҳида масъулият талаб этади. Вилоят телевидениеси операторлари Аҳмад Азимов, Ҳидоят Жумаев, Олим Зиёев буни кўп йиллик тажрибадан яхши билишади. Шу боис, улар тасвирга олаётган видеолавҳалар ўзининг ҳаётийлиги ва мазмундорлиги билан томошабин эътиборини ўзига жалб этмай иложи йўқ.

Жамоадаги энг оддий техник ходимидан тортиб, бош муҳаррирлари ва етакчи операторларигача — барча бурчларига нисбатан талабчанлик билан ёндашишга одатланган. Шундан бўлса керак, экран орқали тез-тез намойиш этилаётган "Бунёдкор ғоя", "Қишлоқ мулкдори", "Тадбиркор экрани", "Замин", "Банк ва мижоз", "Рақобат ва равнақ" кўрсатувлари, "Бозор — ҳаётимиз кўзгуси", "Қарор ва ижро", "Қўшма корхоналар: кутилган ва кутилмаган натижалар" рукнлари остидаги туркум радиоэшиттиришлар кўпчилик эътиборини тортмоқда. Томошабинлардан келаётган мактублар ҳам шундан далолат беради.

Айниқса, вилоят телевидениеси орқали (муаллиф — Меҳрибон Зарипова) намойиш этилган ва томошабинлар назарига тушган O`zLiDeP аъзолари — ғиждувонлик моҳир кулол Алишер Нарзуллаев, пешкўлик фермер, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ёқуб Фаттоев, бухоролик машҳур зардўз Бахшулло Жумаев ва унинг шогирдлари, шофирконлик ёғоч ўймакорлиги устаси Уста Жўра ҳақидаги кўплаб телеочерклар тадбиркорлик ҳаракатини кенг тарғиб этиш ижодий жамоанинг асосий вазифаларидан бирига айланганлигидан далолат бериб турибди. Бундай изланишларни келгусида ҳам давом эттириш кўзда тутилмоқда.

Энг долзарб мавзуларда кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаётган Гулнора Мирзаева, Мойра Раззоқова, Ибодат Ражабова, Абдунаби Ҳамро, Зуҳра Рамазонова, радио ва телесуҳандонлар Олима Мирзаева, Ислом Орипов, Иқбола Ҳайитова, Отабек Сафаров, Дилноза Исаева ва бошқаларнинг нияти битта: у ҳам бўлса, одамларга манзур бўладиган кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш, мухлислар ишончини қозонишдан иборатдир.

Маҳаллий телевидение орқали ҳар ҳафтада 7 соатлик кўрсатувлар, ҳар куни эса ўзбек, тожик ва рус тилларидаги 1,5 соатлик радиоэшиттиришлар тайёрланиб, эфирга узатилаяпти. Ана шу жараёнда O`zLiDeP аъзолари бўлган радио ҳамда тележурналистларнинг ҳам хизмати оз эмас, албатта. Улар Д. Мамаражабов етакчилигида партиянинг ғоя ва мақсадларини турли мавзулардаги кўрсатув ҳамда эшиттиришлар орқали кенг аҳоли онгига етказишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бунинг учун эфир имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Хоҳ радио, хоҳ телевидение бўлсин, вилоят ҳудудида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнини ёритиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва олға қараб боришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни дадил кўтариб чиқиш диққат марказида тутилаётир. Айнан ана шундай фаоллик маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови жараёнида яна бир бор намоён бўлмоқда. Сайловга тайёргарлик, унинг бориши билан боғлиқ телекўрсатув ва радио эшиттиришлар мунтазам равишда эфирга узатилаяпти, ушбу сиёсий кампаниянинг моҳияти кенг тарғиб қилинаяпти.

Энг муҳими, вилоят телерадиокомпанияси бошланғич партия ташкилоти атрофига уюшган O`zLiDeP аъзолари муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларга нисбатан ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлиб, ҳаёт билан бирга қадам ташлаяптилар. Ҳақиқат ва холислик — уларнинг шиорига айланган. Шу боис, аҳоли ўртасида турли телекўрсатув ва радиоэшиттиришларга қизиқиш кучайиб бормоқда. Зотан, тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги, аввало, уларнинг ҳозиржавоблиги ҳамда жанговарлиги билан белгиланади.

Дилшод МАМАРАЖАБОВ,

1976 йилда Самарқанд вилоятининг Миробод туманида туғилган. 1998 йилда Бухоро давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетини битирган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида таҳсил олган. Магистр унвонига эга. "Бухоро спорти" газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари, сўнг бош муҳаррири, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси Бухоро вилояти бўлимининг ижрочи директори вазифаларида ишлаган. 2004 йилнинг апрель ойидан вилоят телерадиокомпанияси директорининг ўринбосари сифатида фаолият кўрсатмоқда. O`zLiDeP бошланғич ташкилотининг раиси.

O`ZLIDEP ОДИМЛАРИ

ҚУТЛОВ

«ШЎРТАННЕФТГАЗ» УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ

Мамлакатимизда фаолият юритаётган барча оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан табриклайди. Халқимиз бахт-саодати, юртимиз тинчлиги йўлида ҳормай-толмай ишлаётган заҳматкаш журналистларни куч-ғайрат ва ижодий жўшқинлик сира тарк этмасин!

«СУРХОНДАРЁПАХТАСАНОАТ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ

**Қадрли журналистлар!
Сизларни касб байрамингиз билан самимий муборакбод этамиз. Халқимизни ёрқин келажакка элтувчи миллий истиқлол ғоясини, бой ва азалий қадриятларимизни одамлар онгига сингдиришдек шарафли ишингизда сизларга куч-ғайрат, соғлик-саломатлик тилаймиз.**

ҚУТЛОВ


TRAST BANK
AKTSIYADORLIK BIRJA BANKI
«ТРАСТ» БАНК
АКЦИЯДОРЛИК БИРЖА БАНКИ
Юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига
салмоқли ҳисса қўшаётган барча
ижодкорларни Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари ходимларининг
касб байрами билан қизғин табриклайди.
Уларга соғлиқ-омонлик, ижодий
баркамоллик тилайди.
Банк шунингдек,
юртдошларимизга «Меҳр»,
«Баҳор», «Марварид» деб номланган
имтиёзли омонатларни таклиф этади.
Манзил: Тошкент ш, Навоий-7.
Тел: (998712) 144-76-22, 144-30-22.


«НАМАНГАНПАХТАСАНОАТ»
ҳудудий акциядорлик бирлашмаси
Шарафли ва масъулиятли
касб эгалари бўлмиш фидойи
журналистларни 27 июнь —
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари
ходимлари куни билан муборакбод этади.


«ҚАРШИЁҒЭКСТРАКЦИЯ» ОАЖ ЖАМОАСИ
Демократик тамойиллар
устувор бўлган фуқаролик
жамиятини бунёд
этишга муносиб ҳисса
қўшаётган қалам аҳлига
касбий фаолиятларида
ҳамиша муваффақият,
оилавий хотиржамлик,
сиҳат-саломатлик
ёр бўлсин.


ASAKA BANK
ДАТ «АСАКА» БАНК
27
МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ
ИЮНЬ
Мустақил Ўзбекистонимиз осмони
ҳамиша мусаффо, юртдошларимиз хонадони
тинч ва осойишта, дастурхонлари
тўкин бўлишига муносиб
ҳисса қўшаётган қаламкашларни
касб байрамлари билан қутлаб, уларга
сиҳат-саломатлик, руҳий бардамлик,
жўшқин илҳом тилайди.

ФАҚАТ тажрибагина бизни ҳаёт неъматларини қадрлашга ўргатади

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

ТАРАҚҚИЁТ

«Осиё йўлбарси»нинг алп одимлари

Унга Жорж Сорос сингари қаллоблар тиши ўтмади

Осиёнинг ривожланган мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил 2-4 октябрь кунлари Малайзия қироли таклифига биноан, ушбу мамлакатга қилган давлат ташрифини ёдга олайлик. Мазкур ташриф давомида икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтариш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича фикрлашиб олинган, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммолар муҳокама этилган ҳамда ташриф якунлари асосида қатор битимлар имзоланган эди.

Абдували СОЙБНАЗАРОВ

Бу, албатта, бежиз эмас. Малайзия ўтган йил якунлари бўйича бирданига етти "поғона" юқорига кўтарилиб, рақобатбардошлилиги бўйича дунёнинг 117 мамлакати орасида 24-ўринни эгаллади. У Осиё мамлакатлари орасида Тайвань, Сингапур, Япония ва Жанубий Кореядан кейинги 5-ўринда бормоқда. Охирги йилларда Малайзия барқарор иқтисодий ўсишга эришиб, юқори технологиялар соҳасида юқори ўринларни эгаллаб турибди. Мамлакат куч-қудратини оширишда макроиқтисодий муҳит, аниқ мақсадларга йўналтирилган стратегия ва миллий бизнес салоҳияти алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Малайзия ўз иқтисодий кўрсаткичлари бўйича "Осиё йўлбарслари" номи билан машҳур янги саноатлашган давлатлар сирасига киради. Хорижий капитал ва технологияларни кенг жалб этиш, саноатлашган давлатлар илғор тажрибасидан фойдаланиш, импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, юқори даражадаги сиёсий барқарорлик, иқтисодиётни модернизациялаш янги ютуқларни қўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда. Айни иқтисодий жараёнлар давлат томонидан ишлаб чиқилган аниқ режа асосида изга солиниб турибди. Ваҳоланки, Жанубий-Шарқий Осиёдаги 24 млн. кишилик аҳолига эга бўлган ушбу мамлакат 1957 йилгача, яъни миллий мустақилликкача, асосан каучук ва қалай ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилишга ихтисослашган қолоқ бир мамлакат саналарди.

Ўтган юз йилликнинг 60-йиллариданоқ, ҳукумат бир маромдаги ўсиш стратегиясини белгилаб олди. Бундан мақсад, иқтисодиётни диверсификациялаш ва саноатлаштиришдан иборат эди. Асосий эътибор импорт ўрнини босувчи оддий истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қаратилди. Аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва кичик фермер хўжаликларини замонавийлаштириш қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муҳим вазифалардан бири қилиб қўйилди. Сармояларни рағбатлантириш ҳақидаги акт (1968 йил) қабул қилинганидан кейингина, экспорт масаласи кун тартибига қўйилди.

1971 йили мамлакатда "Янги иқтисодий сиёсат"ни амалга оширишга киришилди. Бу сиёсат замирида аҳоли ўртасидаги қашшоқликни камайтириш ва кучли ижтимоий ҳимоя масаласи ётар эди. Айни давр, шунингдек, давлатнинг иқтисодий жараёнларга фаол аралашуви билан фарқланади. Экспортга йўналтирилган саноат стратегиясини амалга ошириш жараёнида инвесторлар ва экспортчилар учун кўплаб имтиёзлар яратилди, эркин савдо ҳудудлари ташкил этилди. Хусусан, тўқимачилик саноати ва электроника экспортини ривожлантиришга кенг аҳамият қаратилди. Шу тариқа мамлакат иқтисодиёти босқичма-босқич ривожлана бошлади. 1971-1980 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши йилига ўртача 8 фоизни ташкил этганлиги фикримиз далилидир.

1980-1986 йиллар мобайнида оғир саноат тармоқларида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устувор масалага айланди. Бироқ дунё бозорига хос нотекис жараёнлар Малайзия иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Натижада маълум муддат ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўртача ўсиш суръати 4-4,5 фоизга тушиб қолди. Шу тариқа ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини бирмунча чеклаш зарурати юзага келди. Сармояларни рағбатлантириш, саноатнинг турли тармоқлари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш чоралари кўрилди.

1995-2005 йилларга мўлжалланган саноатлаштириш катта фойда келтирадиган тармоқларни жадал ривожлантиришни кўзда тутар эди. Шунга кўра электроника, тўқимачилик, кимё, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, транспорт, саноат материаллари, машина ва ускуналар ишлаб чиқариш соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилди. Бироқ 1997 йил Осиёда юзага келган иқтисодий инқироз сабабли, мамлакатда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш суръати орқага кетди. Ҳукуматнинг ўз вақтида кўрган чоралари орқасида мамлакат яна ЯИМнинг юқори кўрсаткичларига чиқиб олди.

Малайзия иқтисодий сиёсатининг ўзига хос муҳим хусусияти муддатли режалаштириш тартибидир. Таъкидламоқ керакки, индикатив режалар узоқ (10 йил), ўрта (5 йил) ва қисқа муддатли (1 йил) истиқболга мўлжаллаб тузилади. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ўрта ва узоқ муддатли режалари тегишли вазирлик ва ташкилотлар иштирокида махсус Департамент томонидан ишлаб чиқилади. Бу тажриба, шубҳасиз, ўзини оқлаётир.

Малайзия иқтисодий тараққиётида унинг бюджет- солиқ сиёсати, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган аниқ стратегияси алоҳида ўрин тутади. Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатда жорий этилган имтиёзли солиқ сиёсати оғир саноат, кичик ва ўрта корхоналарнинг оёққа туриб олиши учун кенг имконият яратмоқда. Масалан, корхоналар учун корпоратив солиқ миқдори 28 фоиз. Янгидан ташкил этилган корхоналар 5-10 йил муддатга солиқдан тўла ёки қисман озод қилинади. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган сармоялардан ҳам солиқ олинмайди. Демак, солиқ сиёсати билан боғлиқ имтиёзлар бир томондан якка тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, иккинчи томондан маблағ ва сармоя киритиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Маълумотларга кўра, давлатнинг ЯИМ соҳасидаги даромадлари 23,2 фоизни ташкил этгани ҳолда солиқ тушумлари атиги 18,9 фоиз атрофида, холос.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида кичик ва ўрта корхоналар алоҳида ўрин тутади. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, эркин фаолият юритишлари учун қулайлик яратиш доимий эътиборда. Тўғри, 80-йиллар охиригача кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга оид давлат сиёсати тўла мувофиқлаштирилмаган эди. Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар натижасида вазият ижобий томонга ўзгарди. Бугунги кунда мамлакатда 21 мингдан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Тармоқда 800 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. Бу умумий ишчи ўринларининг 38 фоизи демакдир. Кичик ва ўрта корхоналарнинг деярли 90 фоизи саноат соҳасига ихтисослашган. Малайзияда йиллик пул айланмаси 2,6 млн. АҚШ долларидан кўп бўлмаган хўжалик субъектлари кичик корхоналар ҳисобланади. 150 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қиладиган, йиллик маблағ айланмаси 6,6 млн. долларга тенг бўлган субъектлар эса ўрта корхоналар тоифасига киради.

2002 йилдан бери мамлакатда хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш дастури амалда. Бундан кўзланган асосий мақсад, кичик ва ўрта корхоналар йўналишидаги инновацион ишлаб чиқариш фаолиятига имтиёз бериш, янги технологияларни кенг жорий этиш, ишлаб чиқариш суръати ва маҳсулот сифатини оширишдан иборатдир. Дастур ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётганлиги туфайли моддий манфаатдорлик ошиб, аҳоли турмуши яхшиланмоқда. Яқинда Куала-Лумпурда ўтказилган матбуот анжуманида БМТнинг тараққиёт бўйича дастури бош мувофиқлаштирувчиси Зефирэн Дьябр Малайзиянинг кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги иш тажрибаси хусусида фикр билдираркан, намунали модель сифатида уни Осиё, Африканинг ривожланаётган мамлакатлари учун тавсия этиш режалаштирилаётганини маълум қилди.

Жануби-Шарқий Осиёдаги ушбу давлат ижтимоий тараққиётида собиқ бош вазир Махатхир Муҳаммаднинг хизмати катта. У ўз фаолияти мобайнида муҳим бир фалсафий ёндашувга таянди, яъни "Майли, қўшнинг гуллайверсин, майли қўшнинг қашшоқликда кун кечираверсин. Агар қўшни мамлакат тараққий этаверса, биз унга ёрдам берсак, у ҳолда биз ҳам гуллаб-яшнаймиз. Фаровон мамлакат эса барқарор бўлади, у қўшниларига таҳдид солмайди, унинг фуқаролари қўшни мамлакатларга қочмайди. У ерда инқилоб ва фуқаролик уруши хавфи бўлмайди". Масалан, Япония Малайзия иқтисодиётига маблағ киритиш орқали бундан биринчи навбатда ўзи манфаатдор бўлди, ички маҳсулотларини сотиш учун янги бозорни кашф қилди. Халқаро амалиётда бундай ибратли тажрибалар кўп.

Мамлакат ҳаётига хос иқтисодий тараққиётнинг асосий омилларидан бири маҳаллий куч ва имкониятларга таяниб иш юритишдир. Ҳукумат мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ саноатлаштириш йўлини танлаб, хато қилмади.

Гарчи Жорж Сорос бошчилигидаги молиявий қаллоблар Малайзиянинг барқарор иқтисодиётига катта талофат етказган бўлишса-да, бунинг оқибатлари тез орада бартараф этилди. Эндиликда мамлакат аҳли эришаётган ютуқлар кўпчиликни ҳайратга солмоқда. Ушбу ўсиш-ўзгаришлар замирида малайзияликларга хос бўлган аҳиллик, теран ақл-заковат, меҳнатсеварлик хислатлари ётганлиги шак-шубҳасиз.

«XXI ASR» ХАТҚУТИСИДАН

Сўранг, жавоб берамиз.

Саволларга ҳуқуқшунос Акром БЕРДИМУРОДОВ жавоб беради.

Касаначи таътилга чиқиши мумкинми?

"Мен 1 йилдан буён касаначилик билан шуғулланаман. Ишлаб чиқариш топшириқларини ўз вақтида бажариб келаяпман. Йиллик меҳнат таътили олиш ҳуқуқидан фойдаланишим мумкинми, шу ҳақда маълумот берсангиз?

Сайёра УЗОҚОВА,
Фарғона вилояти, Бешариқ тумани".

— Меҳнат кодексига асосан шартнома тузган ҳамда иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларни йўлга қўйган ҳар бир ходим муддати қонун ҳужжатларида белгиланган йиллик меҳнат таътилини олиш ҳуқуқига эга.

Касаначилар йиллик меҳнат таътилининг муддати, агар улар қонун ҳужжатларига мувофиқ кўпроқ муддатли йиллик асосий таътил олиш ҳуқуқига эга бўлмасалар, 15 иш кунидан кам бўлмаслиги керак. Агар жамоа шартномасида корхона ходимлари учун узайтирилган таътил, шунингдек, қўшимча таътиллар белгиланган бўлса, касаначи ҳам узайтирилган ва қўшимча меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ваколати бўлмаса, талабини бажарманг

"Яқинда давлат солиқ хизмати ходимлари мен бошчилик қилаётган хусусий корхонада режали текширув ўтказдилар. Текширув давомида улар ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар билан ҳам қизиқдилар ва беҳудага вақтимни олдилар. Солиқ хизмати ходимларининг бу ҳаракатлари тўғрими?

Иброҳим МУСОДИНОВ,
Тошкент шаҳри".

— "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 39-моддасида белгиланганидек, тадбиркорлик фаолияти субъектлари назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича уларнинг талабларини бажармаслик ҳамда текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик ҳуқуқига эга.

Текшириш натижалари, далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси текширилаётган тадбиркорлик субъектида қолади.

Шунингдек, текширишлар тадбиркорлик субъектларининг фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилмаслиги керак.

Қишлоқда васиятномани ким тасдиқлайди?

"Биз яшаётган "Пангат" қишлоғи туман марказидан анча олисда. Қўшним Рўзибой ота ўз уйини кичик ўғлига васиятнома билан қолдирмоқчи. Уни фуқаролар йиғини раиси ҳам тасдиқлаши мумкинми?

Саид РЎЗИЕВ,
Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани".

— Ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилган васиятнома Фуқаролик кодексининг 1125-моддасига мувофиқ, нотариал тасдиқланиши керак. Аҳоли пунктида нотариус бўлмаса, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) бир қанча нотариал ҳаракатларни амалга оширишга, шу жумладан, васиятномаларни тасдиқлашга ҳақли ("Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддаси).

Мерос қолдирувчи касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра, васиятномани ўз қўли билан имзолаш учун нотариал идорасига, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурига бора олмаса, нотариал ҳаракатлар мазкур фуқаро турган жойда ёки нотариусни уйига таклиф қилган ҳолда амалга оширилиши ҳам мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни тарғиб этаётган, халқимизни эртанги кун сари руҳлантираётган барча ижодкорларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий табриклайди. Юртимизнинг бунёдкорона интилишларини, муваффақиятли ғалабаларини толмай кўз-кўз қилаётган фахрли касб эгаларига сиҳат-саломатлик ва ижодий баркамоллик тилайди.

ҚУТЛОВ

ДИҚҚАТ: ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ!

«ALAFIA» АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР, БАРЧА ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси сизнинг манфаатларингиз йўлида "ALAFIA" адвокатлик фирмаси билан ҳамкорлик қила бошлади.

Агар Сиз ҳақ-ҳуқуқингиз ва қонуний манфаатларингизни тергов ва суд идораларида, барча давлат ташкилотларида ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, "ALAFIA" адвокатлик фирмасига мурожаат этинг.

"ALAFIA" адвокатлик фирмаси мижозларни ХЎЖАЛИК, ФУҚАРОЛИК, ЖИНОЯТ ва МАЪМУРИЙ ишлар юзасидан қабул қилади ва маслаҳатлар беради.

Сизларга 25 йиллик ва ундан кўпроқ иш тажрибасига эга бўлган таниқли адвокатлар малакали юридик хизмат кўрсатадилар.

Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, "Нукус" кўчаси, 73а-уй. (Мўлжал: "Миробод" деҳқон бозори, "Капиталбанк" рўпарасида). Телефонлар: (8-371) 132-25-15, 132-10-89.

«ХАЛҚ БАНКИ»
ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

Юртимиз равнақи йўлида қалам тебратаётган фидойи журналистларни 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий муборакбод этади. Уларга битмас-туганмас куч-ғайрат, ижодий баркамоллик, мустаҳкам соғлиқ тилайди.

«Халқ Банки»-Сизнинг оилангиз банки!

O'ZSANOATQURILISHBANK

Мамлакатимиз матбуоти ва оммавий ахборот воситаларининг барча ходимларини касб байрамлари билан табриклайди. Халқимиз бахт-саодати учун кунни тунга улаб меҳнат қилаётган ижодкор юртдошларимизга, уларнинг оилаларига тинчлик-тотувлик, хонадонларига қут-барака тилайди.





Азиз ижодкор дўстлар!
Сизларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан қизғин қутлаймиз.
Мустақил юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, иқтисодиётимиз равнақи, халқимиз бахт-саодати йўлида хизмат қилишдан асло чарчаманг.
Сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат ва ижодий жўшқинлик доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

«ШЎРЧИ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ИНСОННИ ўз мажбуриятларига боғлаб турган бурч ҳисси, майда манфаатлар устидан ғолиб чиқувчи юксак манфаатларни англаб етганидан бошқа нарса эмас

Яшил майдонлардаги «жаҳон уруши»

БУГУН ДУНЁНИНГ ТУРЛИ НУҚТАЛАРИДА СПОРТ СИЁСАТНИНГ ҚУРОЛИГА, У ЁКИ БУ КУЧЛАРНИНГ ТУРЛИ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН «ИНСТРУМЕНТ»ГА АЙЛАНИБ ҚОЛАЁТГАНЛИГИ ҲАҚИДАГИ ТУРЛИ ФИКРЛАР БИЛДИРИЛМОҚДА-КИ, БУ ҲАМ БЎЛСА, МАНФААТ ТУШУНЧАСИ СПОРТ ОЛАМИГА ҲАМ ТОБОРА КЕНГРОҚ КИРИБ КЕЛАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТДИР.

Узоққа бормайлик, кейинги йилларда ўтказилаётган мусобақалар соврини учун курашлар шу даражада жиддий тус олмоқда-ки, улар қайсидир маънода буюк салтанатлар иштирокидаги ўзига хос "жаҳон уруши"га ўхшаб кетмоқда. Бу жангларда спортчилар ҳам, сиёсатчилар ҳам ва, ҳатто оддий одамлар ҳам бирдек қатнашмоқдалар. Жамоалар фақат катта миқдордаги мукофотлар учунгина эмас, балки катта ҳарфларда битилажак манфаатлар йўлида беллашаётгандек туюлаяпти.

■ **Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI asr»нинг спорт шарҳловчиси





Ниҳоят, Германия майдонларида давом этаётган жаҳон чемпионатида кейинги босқичга йўл олган айрим омадли жамоаларнинг номлари маълум бўла бошлади. Ашаддий мухлислар ойнаи жаҳон орқали бир-биридан қизиқ шоуларнинг гувоҳи бўлмоқдалар. Бошқача айтганда, бутун дунё футбол билан яшамоқда. Шундай бўлсада, ҳамюртларимизнинг аксарияти Германия майдонларидаги воқеалар ривожини ҳақли равишдаги бир армон билан кузатаётган бўлсалар ажабмас. Зеро, Ўзбекистон терма жамоаси мазкур чемпионат йўлланмасини қўлга киритишига бир баҳя қолганида, сунъий тўсиқларга дуч келди. ФИФА мутасаддилари 2005 йилнинг 3 сентябридаги Ўзбекистон — Баҳрайн учрашувида қайд этилган соф ғалабамизни бекор қилишганини бир эсга олсак, ҳамон қалбларимиз жунбушга келади. Том маънода ноёб истеъдод эгаси, ўзбек футболининг истиқболи учун жонини ҳам фидо қилишга тайёр футболчимиз Миржалол Қосимов кот-д`ивуарлик Дидье Дрогба ёки тринидадлик Дуайт Йорк эришган орзуга ета олмади. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон терма жамоаси Марказий Осиё давлатлари орасида нисбатан яхши кўрсаткичларга эга эканлиги кўнгилларимизни кўтаради. Тан олиш керак, нуфузи жиҳатидан аллақачон Олимпия ўйинлари даражасидан ўтиб кетган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг бош соврини учун кейинги йилларда алоҳида мамлакат термалари эмас, балки бутун бошли конфедерациялар кураш олиб бора бошладилар. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, жорий йилнинг июль ойи бошида, яъни Германияда давом этаётган XXVIII жаҳон чемпионати якунлангач, чораги кам бир аср мобайнида ўтказилиб келинаётган мундиаль баҳсларида қайд этилган асосий кўрсаткичлар бўйича Европа вакиллари ягона рақиблари — Жанубий Америка конфедерацияси аъзоларига етиб оладилар.

Айтиб ўтиш жоиз: шу пайтга қадар европаликлар фақат Кўҳна қитъада ўтказилган чемпионатларда (1934, 1938, 1958, 1966, 1974, 1982, 1990 ва 1998 йилларда) ғалаба қозонган бўлсалар, жанубий америкалик чарм тўп усталари бўлиб ўтган барча (етти марта) баҳсларда зафар қучишдан ташқари, Бразилия термаси ташаббуси билан бир маротаба Европада (1958 йил Швецияда ўтказилган V жаҳон чемпионатида) ва бир маротаба бетараф ҳудуд, яъни 2002 йилги Жанубий Корея ва Японияда бўлиб ўтган мусобақаларда тенгсиз деб топилганлар. Демак, ҳозирча умумий ҳисоб Марадона ва Пеле қитъадошлари фойдасига — 9:8. Аммо мантиқан ўйлаб қаралса, кўп ўтмай мазкур ҳисоб тенглашади, дейишга етарли асослар бор. Тўғри, айни пайтда давом этаётган чемпионатда қатнашаётган Бразилия ва Аргентина терма жамоалари кучли таркибга эга. Аммо чемпионат Германияда бўлиб ўтаётганини, қолаверса, ғолибликка даъвогар жамоалар сони бўйича Европа устун келаётганини инобатга олсак, бу йил мезбонлар ва уларнинг қўшниларида имконият кўпроқ, деган тўхтамга келиш мумкин. Бундан ташқари, башоратчи, яъни, букмекерлик фирмалар Европа мамлакатларининг «Германия-2006»да чемпион бўлишига 58 фоиз, Жанубий Америка термаларига 35, қолган барча давлатлар жамоаларига эса (Осиё, Африка, Шимолий ва Марказий Америка ҳамда Океания вакиллари биргаликда) бор-йўғи 7 фоизлик ишонч билдирганлар.

Табиийки, ўқувчиларимизда нега чемпионлик учун кураш айнан Кўҳна қитъа ва Жанубий Америка жамоалари ўртасида кечади, деган ҳақли савол туғилади. Унинг жавоби аниқ. Европада ривожланмаган спортнинг ўзи йўқ. Қолаверса, юқорида таъкидлаганимиздек, Европада ўрта ва юқори савияда ўйнайдиган жамоаларнинг сони ниҳоятда кўп. Европа футбол федерациялари уюшмаси — УЕФАга аъзо элликдан ортиқ терма жамоанинг қирққа яқини жаҳон рейтингида юқори ўринларни банд этган. Шунинг учун ҳам ЖЧга йўл олган 32та терманинг 45 фоизи (14 та жамоа) Европа мамлакатлари жамоаларидир. Хўш, нега унда бор- йўғи 10 та (Германияга улардан 4 таси йўл олган) аъзоси бор Жанубий Америка футбол конфедерацияси — КОНМЕБОЛ аъзолари айни пайтда асосий кўрсаткичлар бўйича европаликларни доғда қолдириб келишмоқда? Мазкур саволга Украина терма жамоаси етакчиси Андрей Шевченконинг "АиФ" газетасига берган интервьюсидан жавоб топиш мумкин. Унинг фикрича, Жанубий Америкада бутун бошли маданият футбол асосига қурилган. У ерда футболдан бошқа спорт турлари мавжудлиги деярли билинмас, маҳаллий аҳолининг аксарияти болалигидан футболчи бўлиб етишишни орзу қилар экан. "Мабодо, — дейди Шевченко, — улар орасида биронта сузувчи ёки теннисчи туғилиб қолса, атрофдагилар бу ҳолни ажабланиб қабул қиладилар. Бизда (Европада - Ш.Х.) эса хоҳлаган йўналиш бўйича медаллар соҳиби бўла оладиган спортчини топиш мумкин. Тўғри, европаликлар футболни яхши кўришади, севишади. Бразилия ва Аргентинада эса, унга сиғинишади".

Бошқа минтақа вакилларига тўхталадиган бўлсак, энг яхши натижалар Осиёдан Жанубий Корея (1/2 финал, 2002 йил) ва КХДР (1/4 финал, 1966 йил) Шимолий Америкадан АҚШ (1/2 финал, 1930 йил)ва Мексика (1/4 финал, 1970 ва 1986 йиллар), Африкадан Камерун (1/4 финал, 1990 йил) термаларига насиб этган.

Футболчилар эришган ютуқларни "фалон жамоа ярим финалгача борди, пистонча жамоа чемпионликни қўлга киритди..." дея фикр билдириш осон. Аммо мазкур терма жамоалар ана шу натижаларга не-не машаққатлар, тинимсиз меҳнат ва ҳадиклар билан эришганларини икки оғиз сўз билан ифодалаб бўлмайди. Жаҳон чемпионатлари тарихига назар солар эканмиз, мусобақаларда йўл қўйилган ёки йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар эвазига футболчилар ҳатто ўз ҳаётлари билан ҳам жавоб беришга мажбур бўлганларини кўришимиз мумкин. 1938 йилги III жаҳон чемпионатини олайлик. Ана шу пайтда мусобақалар ўтказилган давлат — Италияда Муссолини бошчилигидаги фашистлар тузуми ҳукм сурарди. Италия-Венгрия терма жамоалари иштирокидаги финал баҳсидан аввал мезбонлар мураббийи Витторио Поццо ҳукуматдан "Ё ғалаба, ё ўлим" деган сўзлар битилган махсус телеграмма олади. Яхшиямки, ўша баҳсда италияликлар ишончли ўйин кўрсатиб, 4:2 ҳисобида ғалаба қозондилар. Бўлмаса, уларнинг тақдири 1994 йилги чемпионатда муваффақиятсиз қатнашган колумбиялик Андреас Эскобарникидан қолишмаган бўларди. Ўшанда гуруҳ баҳсларининг АҚШга қарши учрашувида ўз дарвозасига тўп киритиб қўйган Эскобар юртига қайтганидан сўнг отиб ўлдирилганди.

Ёки 1970 йилги жаҳон чемпионати арафасида Сальвадор ва Гондурас давлатлари ўртасида жами 3 минг нафардан ортиқ кишининг ёстиғини қуритган "футбол уруши" номли қуролли тўқнашувни ёдга олайлик. 1969 йили мазкур икки давлат ўртасидаги жаҳон чемпионати йўлланмаси учун ўтказилаётган учрашувда стадиондаги томошабинлар ўртасида низолар, ундан сўнг кенг қулоч олган тартибсизликлар юзага келди. Вазият шу даражада кескинлашдики, ўзи шундоқ ҳам қил устида турган икки давлат орасидаги дипломатик муносабатлар тамоман узилди. Шу йилнинг 14 июлида эса, Сальвадор қўшинлари Гондурас ҳудудига бостириб кириб, 4 кун мобайнида давлатнинг 400 км/кв.га тенг ҳудудини эгаллаб олди. Сальвадорликларнинг ҳужуми баъзи бир давлатларнинг аралашувидан сўнг, 21 июль куни тўхтатилади. Шу ўринда ушбу тўқнашувларга ўша пайтда бундан ҳар томонлама манфаатдор, бутун Марказий Американи ўзига тобе қилиш ниятида юрган АҚШнинг қўли бор, деган тахминлар бўлганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим.

1973 йилда сиёсат қурбонига айланган собиқ иттифоқ жамоаси 1974 йили Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этишдан маҳрум этилди. Маълумки, 1973 йилнинг 11 сентябрида Августо Пиночет бошчилигидаги исёнчилар собиқ иттифоқ томонидан қўллаб-қувватланган давлат тузумини ағдариб, янги ҳукумат тузишга эришадилар. Шу сабабли жаҳон чемпионатининг саралаш босқичи доирасида Чилига рўбаръ келган шўролар жамоаси Москвада 0:0 ҳисобни қайд этгач (сиёсий вазият ўзгарганидан сўнг), ФИФАга мурожаат қилиб, жавоб учрашувини бир ой давомида маҳбусхона вазифасини ўтаган Сантьягодаги стадионда эмас, балки бетараф ҳудудда ўтказишни сўраган. Бироқ мурожаат қондирилмагач, меҳмонлар ўйинга ташриф буюрмайдилар. Ўйин куни майдонга чилиликларнинг ўзлари чиқиб, томошабинлар кўз ўнгида бўш дарвозага тўп киритиб, рамзий ғалабага эришадилар. Собиқ иттифоқ жамоасига эса ФИФА томонидан 0:3 ҳисобда техник мағлубият ёзилади.

Сиёсий муаммолар «Германия-2006» мусобақасини ҳам четлаб ўтмади. Эрон президенти Аҳмадинажод олиб бораётган сиёсатга қарши бўлган бир қатор сиёсий ташкилотлар Эрон терма жамоасини жаҳон чемпионатидан четлатишни сўраб, ФИФАга мурожаат қилишди. Бироқ ФИФА вакили ташкилот БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши томонидан Теҳронга нисбатан чеклашлар қўлламагунича, терма жамоага нисбатан ҳеч қандай чора кўра олмаслигини таъкидлаганидан сўнг бу масалага чек қўйилди.

Айтиш жоизки, катта футболдаги кўпгина ўйинлар натижаси жамоаларнинг кучига эмас, ҳакамларнинг хатти-ҳаракатига ҳам боғлиқ бўлиб қолган. Бошқача қилиб айтганда, мамлакат ғалабаси учун ҳеч нарсани аямасликка тайёр турган терма жамоани қўллаб-қувватловчи мутасаддилар учрашувни бошқарувчи ҳакамлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга эришмоқдалар. Ажабланарлиси, илгари ҳам қайд этилган мазкур ҳолатлар кейинги йилларда ниҳоятда авж олиб кетди. Мисол тариқасида яна ўша машъум Ўзбекистон-Баҳрайн термалари ўртасидаги учрашувга қайтайлик. Японияликҳакам Йошиданинг "кўнгли бўшлиги" ва қўпол хатоси айнан чўнтаги қаппайган Баҳрайн шайхларига қўл келганлиги аниқ. Ёки бўлмаса 1986 йилги жаҳон чемпионатида Англия-Аргентина учрашувида Марадона томонидан гўёки "илоҳий қўл" ёрдамида урилган ва тунислик ҳакам Али бин Носир томонидан ҳисобга олинган тўпни олайлик. Қизиқ томони шундаки, роппа-роса йигирма йил аввал мазкур учрашувдан кейин ўтказилган матбуот анжуманида тирик афсона тўп "Тангрининг қўли ва Диегонинг боши" билан киритилганини маълум қилган бўлса-да, 2005 йили "Ўнинчи рақамнинг туни" номли шахсий теледастурида эфир орқали голни атайлаб қўли билан амалга оширгани ва бу ишни Фолькленд ороллари босиб олган Буюк Британиядан ўч олиш ниятида қилганини таъкидлади.

2002 йилги XVII жаҳон чемпионати ҳам ҳакамларнинг ўзига хос кароматларисиз ўтмади. Узоқ Шарқ давлатларида яхшигина меҳмон бўлган ҳакамлар чемпионат мезбонларидан бири — Жанубий Кореяни том маънода қулоғидан тортиб, ярим финалгача олиб чиқишди. Жумладан, 1/8 финалда эквадорлик ҳакам италияликларнинг битта голини ҳисобга олмаган бўлса, Франческо Тоттини деярли ҳеч нима учун майдондан четлатиб юборди. 1/4 финалда Испанияга қарши тўп сурган кореяликлар дарвозасига киритилган иккита "тоза" тўп номаълум сабабларга кўра мисрлик ҳакам томонидан инобатга олинмади...

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Зеро, бугун миллионлар ўйини миллиардлар ўйинига айланмоқда. Кўпчиликнинг диққат марказида бўлган объектнинг қайноқ ҳаёти эса, табиийки, ҳар хил тазйиқлару тўсиқлар, шов-шувлару миш-мишлар, курашу жанжалларга бой бўлади. Айниқса, ушбу курашлар ортида қудратли давлатлар манфаатлари ётган бўлса...

СЎНГГИ САҲИФА

ШОН-шавкат юксак мақсад сари интилганнинг мулкидир

ОЛИМПИАДА

ТАҚДИМОТ

Сочининг имконияти юқори

Бугун Тошкент вақти билан соат 16.00 да Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ) президенти Жак Рогге 2014 йилда ўтказиладиган Қишки Олимпиадага мезбонлик қиладиган шаҳарлар номини расман эълон қилади.

Эслатиб ўтиш жоиз: мазкур мусобақани ўтказиш учун ҳозирча Россиянинг Сочи, Грузиянинг Баржоми, Қозоғистоннинг Алмати, Жанубий Кореянинг Пьончанг, Австриянинг Зальцбург, Испаниянинг Хака ва Болгариянинг София шаҳарлари даъвогарлик қилиб туришибди. Бугунгача айнан ана шу еттита шаҳар ХОҚга ўйинларни ўтказиш бўйича кўрилаётган тайёргарликлар тўғрисида ҳисобот топширган. Умуман олганда, Олимпия ўйинларини ўтказмоқчи бўлган шаҳарлар бир неча асосий шартларга жавоб бериши зарур. Улар қуйидаги талаблардан иборат: биринчи навбатда молиявий таъминланганлик, спорт иншоотларига эга бўлиш, мусобақа иштирокчилари ва меҳмонларни жойлаштириш, транспорт ва хавфсизлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш ва бошқалар.

Тақдим этилган ҳисоботлар ХОҚнинг Лозаннада жойлашган қароргоҳида ўрганиб чиқилиб, ўн баллик тизим бўйича баҳоланади. Энг кўп балл тўплаган шаҳарлар эса ўз навбатида даъвогарлик қилиш учун курашни давом эттиришади.

Ёдингизда бўлса, уч йил аввал Россиянинг Москва шаҳри 2010 йилги Олимпиадани ўтказиш учун олиб борилган курашнинг сўнгги босқичигача етиб келганди (ўшанда омад Англиянинг Лондон шаҳрига кулиб боққанди). Ана шуни инобатга олган ҳолда, бугал Қора денгиз бўйидаги курорт шаҳар — Сочи шаҳрининг имкониятлари анча кенг дейиш учун етарлича асослар бор.

ИҚЛИМ

ОБ-ҲАВО

22-28 июнь кунлари республикамизда шу ҳафта каби иссиқ ва қуруқ об-ҳаво кузатилади. Бироқ ҳарорат ўтган ҳафтадан фарқли равишда оз бўлса-да, пасайиб боради. Жумладан, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида ва Қорақалпоғистонда дам олиш кунларида ҳарорат кечаси +21+24, кундузи +37+40 даражани ташкил этса, янги ҳафтанинг дастлабки кунларида кундузи уч-тўрт даражага пасайиши мумкин. Жанубий ҳудудлар, яъни Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида термометр кўрсаткичлари кундузи +41 +43 даражани қайд этади.

Эътиборлиси, Фарғона водийсида жанубий вилоятлардан қолишмайдиган даражада иссиқ бўлиши кутилмоқда. Масалан, шу ҳафтанинг иккинчи ярмида бу ерларда кундузлари ҳаво ҳарорати +42 даражагача кўтарилиши мумкин.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг тоғ олди туманларида нисбатан салқин об-ҳаво кузатилса-да (кундузлари +34+36), чўл ва дашт ҳудудларида ҳарорат бирмунча кўтарилиб, +39+41 даражага етади.

Пойтахтимиз Тошкентда ҳам ҳаво ҳарорати шу ҳафтанинг иккинчи ярмида +37+39 даражани ташкил этса, янги ҳафтанинг дастлабки кунларида +35+37 гача тушади.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

26 июнь - 2 июль

ҚЎЙ. Янги ой чиққанидан сўнг, яъни 25 июндан бошлаб тўрт-беш кун мобайнида анча-мунча кучингизни оила аъзоларингиз билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга сарфлайсиз. Шунинг учун имкони бўлса, мазкур ҳафтага мўлжаллаб қўйган узоқ сафарлар ва кўп вақт талаб этадиган ишларни кейинги ойга кўчиришга ҳаракат қилинг.

БУЗОҚ. Шахсий муаммоларингизни ҳал қилиш учун қулай ҳафта. Ойнинг сўнгги кунларида шошма шошарлик оқибатида чўнтагингизга сезиларли даражада зиён етказишингиз мумкин. Мушкул аҳволга тушиб қолмай десангиз, эҳтиёт чораларини кўриб қўйинг.

ЭГИЗАКЛАР. Ниманики хоҳласангиз, деярли барчасига эришасиз. Севган кишингиз билан ўзаро муносабатларингиз янада мустаҳкамланади. Ойнинг сўнгги икки кунида мартабали ишбилармон кишилар билан яқиндан танишасиз. Шундай экан, фурсатни бой бермай, улар билан янги лойиҳаларни амалга татбиқ этишга шошилинг.

ҚИСҚИЧБАҚА. Шахсий ҳаётингизда ижобий бурилишлар ясашга, иш жойингизда эса узтозларингиз ёрдами билан янги чўққиларни забт этишга муваффақ бўласиз. Ҳафтанинг омадли кунлари ойнинг 25 26-саналарига тўғри келади.

АРСЛОН. Катта масъулият талаб этувчи лавозимни эгаллашингиз мумкин. Агар шундай бўлса, турмуш тарзингизни тубдан ўзгартиришга мажбур бўласиз. Ҳафта бошида жароҳат етиши мумкин бўлган жойлардан йироқроқ юришга ҳаракат қилинг.

ПАРИЗОД. Ишбилармонлик руҳидаги режаларингиз кейинги ойнинг охиридагина рўёбга чиқиши кутилмоқда. Шунинг учун июннинг сўнгги ва июлнинг дастлабки кунларида кўпроқ дам олиб, куч-қувватни кейинги ой учун йиғиб қўйсангиз, ютқазмайсиз.

ТАРОЗИ. Ҳафта давомида барча ишрежаларингизни қайтадан кўриб чиқиб, кам-кўстини тўлдиришингиз лозим бўлади. Шунда ҳам уларнинг аксариятини кейинги ойдагина якунлашга муваффақ бўласиз. Уйдаги муаммоларни кўчага олиб чиқманг.

ЧАЁН. Ҳафта қувончли воқеаларга бой бўлади. Ой охирида кўплаб маиший ва молиявий муаммоларни ҳал қилиб, эркин нафас олиш имкониятига эга бўласиз. Ҳавас қилса арзигулик харидларни амалга оширишингиз кутилмоқда.

ЎҚОТАР. Ҳар томонлама қулай ҳафта: молиявий аҳволингизни яхшилаб олишдан ташқари, шахсий ва оилавий манфаатларга хизмат қилувчи техника воситаларини харид қилишга муваффақ бўласиз. Анчадан буён кўришмаган дўстларингизни учратиб қолишингиз мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Дам олиб, мириқиб ҳордиқ чиқариш учун бундан яхши вақтни топа олмайсиз. Хайрли ишларга қўл уриб, янги ҳамкорлар орттиришга, қариндошлар орасида обрў-эътибор қозонишга эришасиз.

ҚОВҒА. Юлдузлар башорат қилишича, "қовғалар" учун ойнинг сўнгги ўн кунлигида дам олиш ва оила билан боғлиқ ишларни ҳал қилиш, қолаверса янги даромад манбаларини топишлари учун қулай шароит яратилади.

БАЛИҚ. Ҳафта сиз учун омадли келади. Муҳими, сизни анчадан буён қийнаб келаётган руҳиятингиз билан боғлиқ муаммоларни ечишга эришасиз. Ундан кейин хурсандчиликларга бой учрашувларни ташкиллаштириб, денгиз ёки дарё бўйидаги табиат масканларига саёҳат уюштириш имкониятига эга бўласиз.

РЕКЛАМА

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР, ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА
«Ўзбекобод» ишлаб чиқариш фирмаси полипропилен қопларни таклиф этади.
Манзил: Фарғона вилоятининг Қува туманидаги «Бекобод» қишлоғи.
Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 172-88-15, (8-373 31) 51-101
Сифати кафолатланган. Нархи арзон

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR
Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61: Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz: E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Аъзамжон РАҲМАНОВ
Абдуваҳоб ИМОМАЛИЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Шуҳрат НОРГИТОВ
Шуҳрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ
Абдували СОЙБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ
Шаҳзод НАЗАРОВ
Шуҳрат ОХУНЖОНОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР
Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР
ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 132-25-15
АХБОРОТ ВА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ 55-70-16
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ 55-68-50
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар:
Т. АБДУРАҲМОНОВ, Ш. ХЎЖАЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-866
Тираж: 16824

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ килиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

XASR ©

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

ASR EKSPRESS MEDIA
НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)151-29-52.
E-mail: milapress@yahoo.com